

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“САНЪАТШУНОСЛИК (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)”
ЙЎНАЛИШИ**

**“САНЪАТШУНОСЛИҚДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБАЛАР”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2016

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: “Санъатшунослик ва маданиятшунослик ”
кафедраси Санъатшунослик фанлари
доктори, профессор М.Т.Тўлахўжаева

“Санъатшунослик ва маданиятшунослик ”
кафедраси катта ўқувчиси Ф.М.Абдувоҳидов

Тақризчилар: **Жанубий Корея Республикаси Конгук**
университети профессори, ПхД Ким Ин Ог

Санъатшунослик институти профессори,
с.ф.д. Д.М.Қодирова

Ўқув-услугий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти кенгашининг 2016 йил _____даги ____-сонли қарори билан
нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	18
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	41
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	84
VI МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	90
VII. ГЛОССАРИЙ	92
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	96

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида тузилган бўлиб, унинг мақсади замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда мунтазам равишда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ошириб боришдан иборат.

Дастурга киритилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Ушбу дастурда санъатшуносликнинг бугунги ҳолати, замонавий ёндашув ва тенденциялар санъат турларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоҳида хусусиятлари кесимида маълумотлар келтирилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалар” модулининг **мақсади:**

Санъатшуносликнинг (турлари бўйича) турли йўналиш ва жанрлар кесимида ривожланиш босқичлари, тарихи ва замонавий ҳолатини қиёслаш орқали унинг бугунги ҳолатини белгилаш, педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юқори илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини янгилаш ҳамда уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратининг ошишини таъминлашдан иборат.

“Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалар” модулининг **вазифалари:**

“Санъатшунослик” (турлари бўйича) йўналишида педагог кадрларнинг

касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- санъатшунослик соҳасининг янги давр муаммолари бўйича маълумотлар бериш ва уларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашни таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этишдир.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалар курсини ўзлаштириш жараёнида тингловчилар куйидагиларни билишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- санъатшуносликнинг ривожланиш тенденцияларини;
- санъатшунослик фанларининг назарий асосларини;
- санъатшунослик фанининг олий таълим тизимидаги ўрни;
- санъатшуносликнинг долзарб муаммоларини;
- санъатшунослик фанларини ўқитишда инновацион технологияларни;
- санъатларнинг ўзаро интеграциясини;
- санъат соҳасидаги турли замонавий услублар, йўналиш ва тамойилларни;
- арт менежментнинг назарий ва амалий асосларини;
- арт менежментнинг функциялари ва тамойилларини билиши лозим.

Тингловчи:

- санъатшунослик йўналиши бўйича хорижий манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш;
- инновацион ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- санъат соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ этиш;
- санъатшунослик соҳасидаги модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштириш ҳамда дарс жараёнларига сингдириш;
- санъатшуносликнинг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш ва ечимини аниқлаш;
- санъатшунослик соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- санъатшунослик фанларига инновацион технологияларни жорий қилиш;
- санъатшунослик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- санъатшуносликнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини назарий асосда ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- санъатшунослик фанларининг методик таъминотини яратиш;
- санъатшунослик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- санъатшунослик соҳасида машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- санъатшунослик йўналиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- санъатшуносликда илмий-тадқиқот методологиясини ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, аудио-видео ёзувларидан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Мазкур модулни мазмуни ўқув режадаги “Санъатшунослик фанларини ўқитиш методикаси”, “Санъатшуносликнинг замонавий тенденциялари” ва “Арт менежмент” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Санъатшунослик” (турлари бўйича) ва узвий ўзаро боғлиқ бошқа фанлар бўйича машғулотларни олиб бориш, уларнинг мазмунини янги, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	
1.	Санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари	4	4	2	2	
2.	Санъатшуносликнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари	6	4	2	2	2
3.	Таълим сифатининг ижобий ўзгаришига хизмат қилувчи омиллар	4	4	2	2	
4.	Санъатларнинг ўзаро интеграцияси	6	6	2	4	
5.	Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари	6	4		4	2
6	Санъатшунослик фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши	2	2		2	
7	Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши	2	2		2	
Жами: 30		30	26	8	18	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари (2 соат)

Санъатшуносликнинг илғор хорижий тажрибалари мақсади, вазифалари, назарияси ва амалиётининг эволюцияси. Аудиторияларни таҳлил этиш. “Санъатшунослик” (турлари бўйича тушунчаси ва функцияси.

2-мавзу. Санъатшуносликнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари (2 соат)

Санъат турлари ва жанрлари, унинг тасвирий ва ифодавий турлари. санъатнинг ҳозирги ҳолати ва турли йўналишлари; Қадимий театрнинг пайдо бўлиши, унинг ривожланиш этаплари ва такомилланиши: театр санъатининг жамиятнинг маънавий ва ижтимоий ҳаёти билан узвийлиги, таникли драматург, режиссёр ва актёрларнинг ижоди: миллий театрларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги; ўзбек театрining тарбиявий ва эстетик имкониятлари; кино санъатининг умуман барча санъат турларини тақдиқ ва таҳлил қилиш орқали баҳолаш.

3-мавзу. Таълим сифатининг ижобий ўзгаришига хизмат қилувчи омиллар (2 соат)

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётининг янги истиқболларини очиб берди. Санъат ва маданият соҳасидаги тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илғор ёндашувларнинг қарор топтирилишига олиб келди. Мазкур ёндашувларнинг моҳияти сўнгги йилларда умумий тарзда “модернизациялаш” тушунчаси ёрдамида ифодаланиб келинмоқда.

4-мавзу. Санъатларнинг ўзаро интеграцияси (2 соат)

Ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бўлган маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг мазмун-моҳияти. Санъати соҳаси ходимлари учун маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг долзарблиги ва таъсири. Маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигидаги таҳдидлар, уларнинг таснифи.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1- Амалий машғулот.

Санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари (2 соат)

Санъатшуносликнинг илғор хорижий тажрибалари мақсади, вазифалари, назарияси ва амалиётининг эволюцияси. Санъат турлари бўйича таҳлил этиш. “санъат” тушунчаси ва функцияси.

2- Амалий машғулот.

Санъатшуносликнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари (2 соат)

Санъат турларининг мақсадларни белгилаш. соҳани SWOT таҳлили. Глобаллашув жараёнида ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболли режасини тадбиқ этиш. Мониторинг ва баҳолаш.

3- Амалий машғулот.

Таълим сифатининг ижобий ўзгаришига хизмат қилувчи омиллар (2 соат)

Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модуль асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти.

4-мавзу. Санъатларнинг ўзаро интеграцияси (4 соат)

Ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бўлган маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг мазмун-моҳияти. Санъати соҳаси ходимлари учун маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг долзарблиги ва таъсири. Маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигидаги таҳдидлар, уларнинг таснифи.

5-мавзу. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари (4 соат)

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

6-мавзу. Санъатшунослик фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши (2 соат)

Тизимли таҳлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув.

7-мавзу. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши (2 соат)

Таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. Санъатшунослик фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар. Очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модуль асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти. Талабалар

билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Санъатшунослик фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Жаҳон санъат асарини таҳлил қилиш (Турлар бўйича)	1	0 баллдан -1 баллгача

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ “SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

SWOT таҳлил:

S – стренгтх (кучли)

W – wэакнесс (заиф)

O – оппортуниэтэс (имкониятлар)

T – тхреатенс (хатарлар)

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

S	W
O	T

Намуна театр санъати SWOT таҳлили

	Манфаатли омиллар	Манфаатсиз омиллар
Ички муҳит омиллари	<p>S – кучли томони.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Юқори малакали ходимлардан иборат жамоа. 2. Бошқа санъат муассасалари билан ўрнатилган манфаатли алоқалар. 3. Кўргазмалар ташкил этишда инновацион шаклларни қўллаш. 	<p>W – заиф томонлари</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бошқарув жараёнининг салбий томонлари (сусткашлик). 2. Айрим мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги (м-н: маркетинг)
Ташқи муҳит омиллари	<p>O – имкониятлар.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўз экспонатининг ноёблиги бўйича театрнинг таниқлилиги даражаси. 2. Деярли кучли рақобатнинг мавжуд эмаслиги. 3. Халқаро маданий алоқаларда қатнашиш имкониятлари. 	<p>T – хатарлар.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Объектив санъат талабининг пасайиб кетиши. 2. Ички рақобат: мутахассис кадрларнинг бошқа иш жойига ўтиб кетиши. 3. Ташқи рақобат: Қўплаб музей ва галереяларнинг мавжудлиги.

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг муस्ताқил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисимлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;

- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;

- Навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу.

Намуна:

Галерея аудиториясини сегментлаш					
Даромадлари бўйича		Ёши бўйича		Жинси бўйича	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иктисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига куйидагиларни қамраб олади: Ким (Wxo), Қачон (Wxen), Қерда (Wxere), Нима учун (Wxй), Қандай/ Қанақа (Xow), Нима-натижа (Wxат).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иэрархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг эчимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир эчимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил эчимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини эчимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият эчимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга

вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: Ф –фикрингизни баён этинг, С – унга сабаб кўрсатинг, М – мисол келтиринг, У- умумлаштиринг.

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “театр санъатини шакллантиришда доимий ташриф бююрувчилар яъни томошабин таъсир этади”.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

➤

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига этгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулик изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Арт маркетинг	ташкилий ва бадий мақсадларга эришишда истемолчилар билан ўзаро манфаатдорлик муносабатларни ўрнатишга йўналтирилган интеграштирилган менежмент жараёни	
Паблик рилейшинз	жамият билан алоқа ўрнатиб, уни йўлга қўйиш, яъни санъаткор ёки расом шуҳратини ёйиш учун санъат асари ёки унинг хизматларини тарғиб этиш, реклама қилиш	
Паблисити	мутахассислар ва улгуржи харидорларга мўлжалланган тарғиботни олиб бориш	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:


- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадидилар;



- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадидилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

-

Венн диаграммасида ишлаш қоидалари:



Венн диаграммаси



“Блиц-ўйин” методи.

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамага келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари

Режа:

- 1.1. Санъатшуносликнинг замонавий хорижий тажрибалари, мақсади, вазифалари, назарияси.
- 1.2. Санъат турларни таҳлил этиш.
- 1.3. Санъатни жамиятда тутган ўрни

Таянч иборалар: санъат, эҳтиёж, талаб, театр ва кино санъати, концепцияси, томошабин аудиторияси.


1.4. Санъатшуносликнинг замонавий хорижий тажрибалари, мақсади, вазифалари, назарияси.

Бугун Санъатшуносликнинг замонавий тенденцияларнинг амалиётида янги тушунча эмас, балки фаолият заруриятига айланган. Санъатнинг барча турларининг даражасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

1. “Санъатшунослик (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;
2. Замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш;
3. Санъатшунослик турлари бўйича педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
4. Педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
5. Махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
6. “Санъатшунослик (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

7. Санъатшуносликнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари, таълим сифатининг ижобий ўзгаришига хизмат қилувчи омиллар ечмини топиш.
8. Санъатларнинг ўзаро интеграцияси. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.
9. Санъатшунослик фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши.
10. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши.



Bob Abelman and Cheryl Kushner
A Theater Criticism/Arts Journalism Primer: Refereeing the Muses

“Театр танқидчилиги. Журналистика санъатидан дарслик: Муз хакамлиги” журналистика ҳамда профессионал танқидчилиги билан боғлиқ билим ва кўникмалар тўпламини ўргатади. Унда АҚШ журналистика санъати тарихи, тадрижий ривожланиши ҳамда истикболи билан боғлиқ бўлган жараёнлар, кузатувлар, тасаввурий ва қизиқарли мақолалар тадқиқ этилади. Театрдаги постановкалар томошабинларни ўзига жалб қилиш учун эстетик ҳамда маҳоратнинг ўзаро уйғунлиги асосида изчил ишлаб чиқаришни ифодалаши керак. Журналистика санъатининг барча шаклларида иштирок этиш учун ушбу қўлланмада танқидий фикрлаш ҳамда танқидчилик кўникмалари ошириш воситалари киритилган. Ушбу китоб танқидчилик, журналистика соҳасида фаолият олиб боришни хоҳлаган ёки ўз устида, ушбу соҳада чуқур малака касб этишни истовчилар ҳамда театр танқидчилиги ва журналистика санъати йўналишида таҳсил олувчи коллеж талабаларига мўлжалланган. Қўлланма жуда қулай тарзда замонавий жараёнларни ўзида мужассам этган ҳолда, мавзуларни батафсил ва мухтасар ифодалаган тарзда мисоллар билан бойитилиб нашр этилган”¹.

Шу билан ушбу қўлланма санъатшуносликда маркетинг талабни қондиришга қаратилган фаолият ва маркетингини талаб мақсадини, шу билан бирга керакли маркетинг стратегиясини танлашга имкон беради. Бир неча талаб даражасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. “Санъатшунослик назарияси ва амалиёти эволюцияси. Филип Котлер санъат соҳасига таалуқли тарафдорларидан биринчиси бўлиб, санъат соҳасидаги ташкилотлар “маданий маҳсул” ишлаб чиқади, ҳамда санъат истъемолчилар диққат эътиборини жалб этиш ва миллий ресурсларни тақсимлашда бир бири билан рақобатлашади деган фикрни олға сурган (Котлер, 1975). Кейинчалик эса илмий тадқиқотчилари бадиий эҳтиёжлари остида шаклланган ижодий ифодани мажбур қилиши оқибатида вужудга келадиган тангликларни ўргана бошлаганлар”².

Санъатшуносликнинг ўзига хос томонлари унинг субъект ва объектларида намоён бўлади. Субъектларига санъат маҳсули яратувчилари, воситачилар ва истъемолчилар кирса, объектларини эса санъат маҳсули, ташкилотлар, шахслар ташкил этади.

¹ *Bob Abelman and Cheryl Kushner*
ATheater Criticism/Arts Journalism Primer: Refereeing the Muses

Санъат соҳасигача кириб келиши ўз ўзидан турли назария ва амалиётларни келтириб чиқарди албатта. Лекин санъатнинг маҳсулот сифатига урғу бериши бошланиши деган фикрлар ўртасида асосланган зиддиятлар мавжуд эмас.

1.1. Санъат турларни таҳлил этиш.

“Санъатшунослик” мутахассислик фани бўлиб, санъат тарихи ва назариясининг умумий хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, ушбу йўналишда билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, сахна санъати асарларини таҳлилий-эстетик тушуниш кўникмасини сингдириш ўқув фани мақсадидир.

Ўзбек театри тажрибаларини англаш орқали профессионал етук, маънавий баркамол санъаткор, санъатшунос шахсларни етиштириш.

- сахна санъати ҳақида, ўзбек ва жаҳон театрининг миллий ва умуминсоний хусусиятлари ва мактаблари ҳақида профессионал тушунчаларни сингдириш;

- жаҳон ва ўзбек драматурглари асарларига таянган ҳолда, театр санъатининг ривожланиш босқичларини ўргатиш;

- сахна санъати асарларини, турли жанр ва ёъналишлардаги спектакллари таҳлилий тушунишни бошланғич кўникмаларини юзага келтириш ушбу ўқув фанининг вазифасидир.

Театршунос мутахассислар ўз малакалари ҳамда илмий изланишлари билан ижтимоий ҳаётда маълум бир мавқега эгадирлар. Улар нафақат театр санъати ривожига хизмат қиладилар, балки ўз тадқиқотлари билан юртимиз таракқиёти, бадиий маданияти ривожига ҳам катта улушлари бор. Зеро, ҳар бир соҳа вакили ўз ўрнида сидқидилдан хизмат қилса, айнан ўз касбини севиб изланса, албатта натижа ёмон бўлмайди.

Санъат ҳақида тушунча. Санъат – ижтимоий онг шакли, инсониятнинг маънавий бойлиги. Кўп қиррали ва оламни бадиий-эстетик англашнинг ўзига хос воситаси. Яратувчилик, англаш ва баҳолаш хусусиятлари. Эстетик аҳамиятга эга бадиий ижод. Ҳодисалар, характерларни образли англаш. Образ – санъатнинг асосий ифода воситаси. Ижодий саралаш. Типиклаштириш. Умумлаштириш. Булар асосида ижодий ғояни, ҳис-туйғуларни ифодалаш.

Санъат спецификаси. Бадиий англаш объекти сифатида. Инсон – шахсий ва ижтимоий манфаатлари бирлиги сифатида. Кишилар, инсон ва табиат, инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Ҳам инсон, ҳам воқеликни бадиий-эстетик баҳолаш.

Санъатнинг яхлитлиги ва кўп қирралиги. Композиция ва шакл. Мазмун ва моҳият.

Санъат функциялари. Асосий функциялар. Ижтимоий. Маърифий. Тарбиявий. Этик. Коммуникатив. Семиотик. Томошавий. Эстетик. Образли фикрлаш қобилиятини ривожлантириш. Санъатнинг полифункционаллиги.

Санъат турлари. Асосий структуравий-таснифий бирлиги. Театр ва кинода сўз, драматик конфликт ва персонажлар хатти-ҳаракати. Мусиқада овоз ва оҳанг. Хореографияда ҳаракат ва ритмика. Тасвирий санъатда: рангтасвирда ранг ва нур; ҳайкалтарошлиқда пластик ечим; графикада чизиқ, штрих, нур ва соя. Амалий санъат ва архитектурада утилитар ва эстетик хусусиятлар комплекси.

Санъат жанрлари. Жанр – санъат тури таркибидаги ички бўлиниши ва нисбатан барқарор, шаклланган хислатларига, ифодавий-тасвирий воситаларга эга экани.

Жанрларнинг модификацияси, трансформацияси.

Жанрлар. Мавзу бўйича – тарихий, психологик, илмий-фантастик ва бошқа. Ғоявий-эмоциональ хусусиятлари бўйича – лирик, юмористик ва бошқа.

Тузилмаси, шакли ва ижро усулига кўра бўлиниши. Вокаль-чолғу, камер-симфоник, хор, академик, халқ, эстрада ижрочилиги ва бошқа.

Санъатда синтез. Синтез тушунчаси, тарихий илдизлари, табиати. Ички ва ташқи шакллари.

Синтез структураси, компонентлари. Компонент тушунчаси. Ифода воситаларининг уйғунлашуви.

Синтез ва синкрет. Томоша санъатларининг синтетик хусусиятлари.

Театршунослик таҳлили аспектлари. Таҳлил аспектлари. Тарихий-назарий. Муаммоли-таҳлилий. Давр ва макон кесимида. Шаклий-стилистик. Маданий-тарихий. Структуравий-типологик. Методологик. Компаратив.

Санъат тарихини умумий даврлаштириш. Қадимги даврдан XIX аср охирига қадар – бадий анъаналар, маънавий ва моддий маданият, санъат тарихи. Шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари.

XX асрнинг биринчи ярми ва иккинчи ярмининг 90 йиллар бошигача бўлган давр бадий маданияти, санъати.

Мустақиллик даври бадиий маданияти ва санъати тарихий-назарий, методологик, типологик аспектларда.

Бадиий танқидчилик. Адабий фаолият тури. Бадиий асарни таҳлил ва талкин қилиш. Замонавий бадиий ижодда содир бўлаётган жараёнларни умумлаштириши, санъатда етакчилик қилаётган тамойилларни аниқлаши.

Холислик. Мулоҳазаларнинг асосланганлиги. Кенг қўламлик. Касбий этика.

Бадиий танқидчиликнинг фан ва амалиётдаги роли, ижтимоий ўрни. Бадиий танқид – санъат тарихини юзага келтирувчи восита сифатида.

Бадиий танқид жанрлари ва шакллари. Асосий жанрлар. Мақола. Тақриз. Ижодий портрет. Аннотация. Бадиий танқид шакллари: оғзаки, ёзма. Жонли ва аудиовизуал чиқишлар. Ахборот технологияларнинг ривожланиши ва танқидчиликнинг янги кўриниши.

Бадиий маданият тушунчаси. Маданият ҳақида тушунча.

Бадиий маданият – инсоннинг яратувчанлик фаолиятини, ранг-баранг бадиий-ижодий аспектларини қамраб олган мураккаб, кўп қиррали ва ноёб ҳодиса. Санъат асарларини яратиш, тарқатиш, ўзлаштириш бўйича маънавий-амалий фаолият жараёнлари ва ҳодисалари ёки эстетик қадрга эга моддий предметлар мажмуи.

Бадиий маданиятнинг структураси. Функциялари. Институциональ имкониятлари.

Илмий тармоқлари. Назария. Тарих. Социология. Иқтисодиёт. Бошқарув.

Бадиий маданиятни ривожлантирувчи асосий омиллар ва истикболи ҳақида тушунча.

Санъатда миллийлик ва интеграцион жараёнлар. Санъатда миллийлик ва замонавийлик масалалари. Санъатнинг универсаллиги ва интеграцион хусусиятлари. Миллий идентификация ва глобаллашув. Глокаллашув тушунчаси. Санъатда акультуратив жараёнлар ва кофигуратив тамойиллар.

Санъатда бадиий методлар. Классицизм. Романтизм. Реализм. Маньеризм. Натурализм. Веризм. Символизм. Экспрессионизм. Импрессионизм. Модернизм. Постмодернизм.

Театршунослик фани ҳақида. Театршунослик фани. Саҳна санъати тарихи, назарияси ва амалиёти. Турлари ва жанрлари. Драматик театр.

Муסיқали театр (опера, балет, оперетта, муסיқали драма, мюзикл). Қўғирчоқ театри. Болалар театри. Ёшлар театри. Цирк. Рақс ва хореография.

Давр ва макон кесимида. Жаҳон, минтақа ва мамлакат миқёсида. Қадимги даврдан бугунги кунга қадар.

Театршунослик фани ўрганадиган мавзу ва масалалар доираси. Театр тарихи ва назарияси. Миллий драматургия. Актёрлик санъати. Режиссёрлик. Сценография масалалари. Балетмейстрлик маҳорати. Театрда муסיқа. Телетеатр. Радиотеатр. Театр матбуоти. Театр-студиялар фаолияти. Синтез масаласи.

Ўзбекистонда яшайдиган бошқа миллатларнинг театрлари. Театр таълими. Вилоят театрлари. Муסיқали режиссура. Театр дирижёрлиги санъати.

1.3. Санъатнинг жамиятда тутган ўрни

Санъатда юз бераётган жараёнларни нозик ҳис қилиш; санъатнинг барча тараққиёт даври ва ижодий йўналишлардаги турли хил жанр, шакл ва услубларини малакавий асосда фарқлаш; турли хил санъат воқеликларини таҳлил этиш ва умумлаштириш; санъат воқеликларига бадиий-эстетик баҳо бера олиш; ахборотни йиғиш, тизимлаш, умумлаштириш ва фойдаланиш ҳамда ихтисослик бўйича илмий-тадқиқий изланишлар олиб бориш, мутахассисликка оид матнларни, барча турдаги санъат асарларини таҳрир қилиш ва уларга тақриз бериш; адабий манбани сахна асарига айланиш масаласи: режиссёрлик талқини, актёр ижроси, синтез, мавзу, ғоя ечими масалаларини оғзаки ва ёзма таҳлил қила олиш *малакаларига эга бўлиши* керак. Бу фан гуманитар ва санъатшунослик соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, уларнинг турлари, хиллари ҳамда ижодий жараёнларни ўрганиш билан боғлиқ. Шунинг учун ушбу фан асосий умумқасбий фанлардан бири ҳисобланиб, соҳанинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишнинг ажралмас қисмидир.

Санъатнинг барча турлари инсон маънавияти ва тафаккурини оширишда алоҳида аҳамият қасб этади. Унинг бу борадаги биринчи хусусияти жонли ижрога асосланишидандир. Ривожланиш ва шаклланиш жараёнларида эса тарихий асарларнинг ўрни бекиёс. Шу билан бирга бошқа барча соҳаларнинг ҳар томонлама мураккаб хусусиятларга эгаллиги билан устиворлик қасб этади. Санъатнинг барча турлардан биринчи навбатта у реалликка, яъни аниқ бўлиб ўтган воқеалар ёки ўтмишда яшаб ўтган шахсларга таянади.

2. Санъатшуносликнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари

Режа:

1. Санъатшуносликнинг замонавий ва хорижий услуби
2. Санъатининг тарихи ва назариясини
3. Санъат соҳасидаги йўналишлар

2.1 Санъатшуносликнинг замонавий ва хорижий услуби

Санъатнинг барча турларини санъатшунослик нуқтаи назаридан ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини англаш, оммабоп тарзда таҳлил ва тарғиб этиш малакасини эгаллашга қаратилган назарий, ижодий ва амалий масалалар қамраб олинган.

Барча турдаги машғулотлари комплекс ҳолда олиб борилиши жаҳон санъатшунослиги амалиётида қабул қилинган. Шунга риоя қилган ҳолда дастурда амалий, семинар машғулотларни, яқка машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар ҳар бир семестрга яхлит ҳолда ишланган.

Санъат – инсоният бадиий фалсафий тафаккурининг мевасидир. Шу боис унга бўлган инсон эҳтиёжи асло сўнмайди. Инсоният маданий тараққиёти замондан замонга қараб ўсиб, ривожланиб борар экан, санъатга бўлган эҳтиёж ҳам шунга монанд муттасил ўсиб боради. Замон тақозоси ва талаби сифатида янги турлар, янги жанрлар пайдо бўлаверади. Санъаткор бадиий тафаккурига, ижро маҳоратига, санъатнинг бадиий-фалсафий, ижтимоий-тарбиявий асосларига бўлган талаблар ҳам муттасил ўсиб бораверади. Иккинчидан, санъат мухлисларининг, демакки, кенг халқ оммасининг санъатдан бадиий-эстетик завқ олишга интилиши асносида унинг санъат турлари хусусиятларини англашга, санъаткорлар ҳаёти, ижоди, маҳоратларининг ўзига хос томонларини, имконият даражаларини, санъатлар тараққиёти жараёнларидаги ютуқли ва муаммоли томонларини билишга интилиши азалдан юксак даражада бўлган. Шу боис, бугунги ахборот-коммуникатив имкониятлар ошган, глобаллашув жадаллашган бир шароитда бу масала янада ўткирлашиб ҳам бадиий-ижтимоий, ҳам ижтимоий-иқтисодий долзарблик кўрсатмоқда. Ҳар иккала жараённинг гармоник тарзда бориши ва ривожланишини таъминлашда жуда кўп омиллар қатори санъатшуносликнинг ўрни ҳам энг муҳим шартлардан бири бўлиб келмоқда.

2.2. Санъатининг тарихи ва назариясини

Ўзбекистон санъатининг тарихи ва назариясини чуқур ўрганган

холда илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борган ва олиб бораётган санъатшунос олимлар, театр танқидчиларининг ижодий фаолиятни Миллий Истиклол ғояси ва мустақиллик мафқураси руҳида қайта ўрганиш ва илмий таҳлил этиш;

- жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар асосида шаклланган санъатини барча турларининг тарихини илмий тадқиқ этиш;

- ўзбек санъатшунослик илмининг асосчилари, етук олимлари, театр ва кино санъати санъати назарийчилари олға сурган концепция ва назарияларини ўрганиш;

- санъатшунослик илмининг олимлар қомусини яратиш;

Санъат тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасидаги санъат ва маданият таълими йўналишлари, хусусан театр ва кино санъати, таъsvирий ва амалий санъат ҳайкалтарёошлик, рақс бўйича таълим олаётган талабалар, бугунги кунда етишиб келаётган ёш мутахассислар, мустақил тадқиқотчи-изланувчилар, санъатшунос олимлар, педагоглар, шунингдек, барча санъат ва маданият йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун илмий-методик база яратишга қаратилган.

Метод ва методология. Метод тушунчаси. Тадқиқот методлари. Қиёсий. Аналогия. Тизимли. Комплексли. Эксперименталь. Кузатиш ва бошқа.

Методология тушунчаси. Санъатшунослик тадқиқотларида методология ва унинг моҳияти. Методология вазифалари.

Санъатшунослик диссертацияси. Санъатшунослик тадқиқотининг ўзига хослиги. Диссертация мавзусининг пухталиги. Диссертация структураси. Илмий концепция тушунчаси. Концепт тушунчаси. Илмий адабиётларни ўрганиш. Материаллар билан ишлаш. Илмий аппарат. Илмий ва касбий этика.

Бадий маданият тушунчаси. Маданият ҳақида тушунча.

Бадий маданият – инсоннинг яратувчанлик фаолиятини, ранг-баранг бадий-ижодий аспектларини қамраб олган мураккаб, қўп қиррали ва ноёб ходиса. Санъат асарларини яратиш, тарқатиш, ўзлаштириш бўйича маънавий-амалий фаолият жараёнлари ва ходисалари ёки эстетик кадрга эга моддий предметлар мажмуи.

Бадий маданиятнинг структураси. Функциялари. Институциональ имкониятлари.

Илмий тармоқлари. Назария. Тарих. Социология. Иқтисодиёт. Бошқарув.

Бадий маданиятни ривожлантирувчи асосий омиллар ва истиқболи ҳақида тушунча.

Санъатда миллийлик ва интеграцион жараёнлар. Санъатда миллийлик ва замонавийлик масалалари. Санъатнинг универсаллиги ва интеграцион хусусиятлари. Миллий идентификация ва глобаллашув. Глобаллашув тушунчаси. Санъатда акультуратив жараёнлар ва кофигуратив тамойиллар.

Санъатда бадий методлар. Классицизм. Романтизм. Реализм. Маньеризм. Натурализм. Веризм. Символизм. Экспрессионизм. Импрессионизм. Модернизм. Постмодернизм.

Театршунослик фани ҳақида. Театршунослик фани. Саҳна санъати тарихи, назарияси ва амалиёти. Турлари ва жанрлари. Драматик театр. Мусикали театр (опера, балет, оперетта, мусикали драма, мюзикл). Қўғирчоқ театри. Болалар театри. Ёшлар театри. Цирк. Рақс ва хореография.

Давр ва макон кесимида. Жаҳон, минтақа ва мамлакат миқёсида. Қадимги даврдан бугунги кунга қадар.

Театршунослик фани ўрганадиган мавзу ва масалалар доираси. Театр тарихи ва назарияси. Миллий драматургия. Актёрлик санъати. Режиссёрлик. Сценография масалалари. Балетмейстрлик маҳорати. Театрда мусика. Телетеатр. Радиотеатр. Театр матбуоти. Театр-студиялар фаолияти. Синтез масаласи.

Ўзбекистонда яшайдиган бошқа миллатларнинг театрлари. Театр таълими. Вилоят театрлари. Мусикали режиссура. Театр дирижёрлиги санъати.

2.3- Санъат соҳасидаги йўналишлар

Ўзбекистон Президенти томонидан театр, кино ва бошқа санъат турларига юкланган ижтимоий-маънавий вазифаларни; халқ оммаси, айниқса ёшларнинг маънавий ва маданий тарбиялашда бадий танқиднинг ўрнини; мамлакат бадий-танқидий жараёнида санъатшунос - журналистнинг ўрнини; санъат танқидчилигининг ривожланиш тарихини; санъатни асосий турлари ва ифода воситаларини; санъат турлари бўйича санъатшунослик атамаларини; санъат асарларини ҳаётийлиги, ишончлилиги ва бадийлиги тушунчаларини; санъатларнинг ўзаро таъсири ва синтезини; санъатлар синтезининг назарий ва ижтимоий асосларини; санъат турларининг ўзаро интеграллашув омилларини; босма ва электрон ОАВда санъат турларининг бадий танқид методологияси, шакллари, жанрларини; жаҳон санъатининг адабий-бадий оқимларини; жаҳон санъатининг буюк санъаткорларини санъат назарияти ва амалиётига тааллуқли кашфиётларини; санъатшунослик


фанларида морфологик ва ғоявий-бадий таҳлил методика ва методологиясини; XX аср ўзбек санъатшунослигининг энг сара ишларини; мустақиллик даври санъатшунослигини; классик ва замонавий насрий асарларнинг машхур инсценировкаларини; санъат социологиясининг тегишли йўналишларини; санъат ривожланиши ва фаолиятини таъминловчи ижтимоий ҳаёт қонунларини; санъатшунослик бўйича тадқиқот мавзуларини; санъатда ижтимоий фикр ҳолатини; ҳозирги замон санъатининг ҳолати ва истикболини; санъат турлари ва жанрлари, шакллари ва услубларини; бадий-танқидий ва тадқиқий ишлар турлари ва жанрларини; санъатшунослик турлари моҳиятини, фаолиятни ўзига хослигини, назарий ва амалий жиҳатларини умумий тарзда **билиши** керак;

- мусиқий асарни таҳлил қилиш: асарни сўзли бадий эстетик тасвирлаш орқали тиклаш; мазкур асарнинг сўзи, мавзу, ғоя, куй бадий сифатларини таҳлил қилиш, бунда санъатшунос - журналистнинг яратаётган асарнинг жанр талабларини эътиборда тутиш; тасвирий санъат асарларини бадий-ғоявий ва морфологик таҳлил қилиш; газета ва журнал ўқувчилари ёки телетомошабинларга тасвирий санъат асари мазмуни, мавзу ва ғоясини етказиш методологияси; тасвирий санъат асарларида ранг, нур, соя ва бошқа ифода воситаларининг ажрата олиш; матбуот ёки телерадио учун тайёрланган материалнинг асар спецификаси ва жанридан келиб чиққан ҳолда таҳлил қила олиш; спектакль, томоша, концерт, бадий кино ва видео асарларни асосий компонентлари: драматургия, режиссёрлик ва актёрлик ишлари бўйича таҳлил қилиш; вокал-муסיқали, пластик-ракс, бадий-декорацион ижро ва бошқаларни компонентларга ажратмасдан, яхлит бадий асар қисми сифатида узвий ўзаро алоқадорликда кўриб чиқиш; таркибий қисмларни пьеса ва спектакль “олий мақсади” сари хизмат қилишидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш; таҳлил қилинаётган асарнинг сўзли эстетик, бадий қиёфасини (образи) яратиш маҳорати; санъатнинг замонавий ҳолатини ўрганишда умумсоциологик (жамият фикрини ўрганиш) методологияларини амалда қўллаш; маълум санъат асари хусусидаги баҳс, муҳокамаларда иштирок эта олиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш; бадий-танқидий ва тадқиқий ишларни ёзиш; тингловчилар аудиторияси олдида мутахассислик мавзуларида нутқ сўзлаш; ўзининг эркин бадий-танқидий муносабатини ифода этиш; санъатнинг долзарб масалалари ҳақида изланишлар олиб бориш ва мақолалар ярата олиш; санъатнинг турли соҳалари бўйича кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш ҳамда олиб бориш; ОАВда санъатнинг асосий турларини таҳлил қилиш ва тарғиб этиш; санъат турлари ва арбоблари ҳақида ахборот, кенгайтирилган ахборот, тақриз, ижодий портрет, кенгайтирилган газета ва журнал (муаммоли) мақолаларини

ёзиш, санъат асарларини оғзаки таҳлил қилиб чиқиш; кўрсатилган театр, кино ва бадий теле радио асарни барча параметрлар бўйича санъатшунослик журналистикаси жанрини ҳисобга олган ҳолда, ғоявий-бадий ва эстетик таҳлил қилиш; ўткир қалам, таҳлилий фикрлаш, журналист сифатида фикрлайдиган санъатшунос ёки санъатшунос сифатида фикрлайдиган ва ишлайдиган журналист бўлиш **кўникмаларига эга бўлиши** керак;


Кўплаб ижодкорлар учун аудитория бадий тажрибасининг бўлинмас қисмидир. Қачонки ижодкор нимани етказишини томошабинлар ўз тажрибасида синаягина ижодий жараён тугалланган ҳисобланади.

Термин моҳияти



Отформатовано: Шрифт: 14 пт, русский

Отформатовано: Шрифт: 14 пт, русский



1.1-чизма. Театр санъати йўналишлари ташкилотлар

Отформатовано: узбекский (кириллица)

Отформатовано: узбекский (кириллица)

3. Таълим сифатининг ижобий ўзгаришига хизмат қилувчи омиллар

Режа:

1. Санъатшуносликдаги хорижий тенденциялар
2. Санъат жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида
3. Санъат олами, санъат ва санъаткор хақида тушунчалар

3.1 Санъатшуносликдаги хорижий тенденциялар

“Санъатшунослик” соҳасида барча санъат турларини ўз ичига олган ҳалда яъни драматургия, актёрлик ва режиссёрлик, рассомлик каби соҳалар санъатларининг ривожланиш тенденциялари, ўзбек санъатининг йирик намоёндалари, ифода воситалари, Республика маданий ҳаётдаги ислохотлар, санъат тури истиқболга таъсир этадиган масалалар камраб олинган.

Санъатнинг энг илғор анъаналари ҳамда замонавий энг муҳим янгиликларини назарда тутган ҳолда мамлакатимиз умумий бадиий маданиятини ривожлантириш ва бунда миллий истиқлол ғояси тамойиллари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда иш тутиш фаннинг долзарблигини белгилайди.

Биргина театр санъати бўйича мутахассисларда ўзбек санъатининг барча жабҳалари ҳақида тасавур ҳосил қилиш, касбий тақомилига таъсир кўрсатиш, назарий томондан санъат турларини пухта билиш, Ўзбек театрини ривож топишида самарали ижод қилган энг йирик драматург ва санъат арбобларининг ўзига хос бой ижодини ўрганиш орқали тарихий ҳақиқатни бадиий ғоялар орқали рўёбга чиқаришига эришиш

1. «XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек театри» XIX аср охирида янги мавзу ва шакллар билан бойиганлиги; Юсуф қизиқ Шакаржонов (1869-1959) ижодида қадимий театр анъаналари билан янги давр оврўпача театрини уйғунлиги. 1870 йиллардан эътиборан Ўзбекистон шаҳарларида рус, кейинроқ озарбайжон, татар труппалари сафарлари таъсирида оврўпача сахна санъатига қизиқишни кучайиб бориши. Бу жараёнда атоқли маърифатпарвар шоир Фуркатнинг (1859-1909) ижодий мероси асосида.

2. Янги давр ўзбек театри ва драматургиясинг майдонга келиши (1910-1918) М.Бехбудий, А.Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхоновлар ижоди мисолида.

3. 1918-1945 йилларда ўзбек театри. Профессional театр санътини ривожланиши, сахна санъатидаги ютуқлар, драматургиядаги янги ғоялар таҳлили орқали ўрганилади.

4. 1950-1960 йилларда ўзбек театри. Ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат институтини очилиши йилларнинг бошларидан театрга олий малакали актёр ва режиссёрлар Тошхўжа Хўжаев, Александр Осипович Гинзбург, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева кириб келиши ва ҳар ўн йилда Обид Жалилов, Мария Кузнетсова, Миршоҳид Мироқилов, Ҳикмат Латипов, С. Табибуллаев, Лутфилла Нарзуллаев, Тошхон Султонова, Замира Ҳидоятлова, Марям Ёқубова, Холида Хўжаева, Зайнаб Садриева каби санъаткорларнинг тарбиялаш масаласи мисолида.

5. 1970-1980 йилларда ўзбек театри. Э. Воҳидов, С. Аҳмад, Т.Тўла, Ў. Умарбеков, Шукрулло, Шухрат каби адибларни драматургияга кириб келиши ва Ш. Бошбеков, М. Бобоев, А. Иброҳимов, Тўра Мирзо, Ҳ.Расул каби ёш драматурглар бўғинининг пайдо бўлиши. Режиссура соҳасида Б. Йўлдошев Р. Ҳамидов, О. Салимов каби янги режиссёрлар бўғинининг етишиб чиқиши.

6. Истиклол йилларида ўзбек театри. Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган, миллий кадрларни тиклаш ва уларни Истиклол даври талаблари асосида ривожлантириш драматурглар, санъат аҳлининг асосий вазифаларидан бўлиб қолгани; шу яратилган имкониятлар туфайли драматургия ва сахнамизда Амир Темур, Мирзо Бобур, Исмоил ал Бухорий, Аҳмад Яссавий каби тарихий сиймолар образларининг пайдо бўлиши ва бир қатор драматургалар ижодий намуналари асосида ўрганиш фан дастурининг мазмунини ташкил этади.

3.2. Санъат жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида

Санъат – инсоният бадиий фалсафий тафаккурининг мевасидир. Шу боис унга бўлган инсон эҳтиёжи асло сўнмайди. Инсоният маданий тараққиёти замондан замонга қараб ўсиб, ривожланиб борар экан, санъатга бўлган эҳтиёж ҳам шунга монанд муттасил ўсиб боради. Замон тақозоси ва талаби сифатида янги турлар, янги жанрлар пайдо бўлаверади. Санъаткор бадиий тафаккурига, ижро маҳоратига, санъатнинг бадиий-фалсафий, ижтимоий-тарбиявий асосларига бўлган талаблар ҳам муттасил ўсиб бораверади. Иккинчидан, санъат мухлисларининг, демакки, кенг халқ оммасининг санъатдан бадиий-эстетик завқ олишга интилиши асосида унинг санъат турлари хусусиятларини англашга, санъаткорлар ҳаёти, ижоди, маҳоратларининг ўзига хос томонларини, имконият даражаларини, санъатлар тараққиёти жараёнларидаги ютуқли ва муаммоли томонларини билишга

интилиши азалдан юксак даражада бўлган. Шу боис, бугунги ахборот-коммуникатив имкониятлар ошган, глобаллашув жадаллашган бир шароитда бу масала янада ўткирлашиб ҳам бадий-ижтимоий, ҳам ижтимоий-иқтисодий долзарблик кўрсатмоқда. Ҳар иккала жараённинг гармоник тарзда бориши ва ривожланишини таъминлашда жуда кўп омиллар қатори санъатшуносликнинг ўрни ҳам энг муҳим шартлардан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган, миллий кадриятларни тиклаш ва уларни Истиқлол даври талаблари асосида ривожлантириш драматурглар, санъат аҳлининг асосий вазифаларидан бўлиб қолгани; шу яратилган имкониятлар туфайли драматургия ва сахнамизда Амир Темури, Мирзо Бобур, Исмоил ал Бухорий, Аҳмад Яссавий каби тарихий сиймолар образларининг пайдо бўлиши.


Буюк соҳибқирон образини яратиш йўлидаги изланишлар: Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси ва унда Амир Темурни буюк лашкарбоши, давлат арбоби сифатидаги хислатларини ёрқин ифода этилиши. Мазкур асарни 1997 йили Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган театр фестивалида Миллий академик драма театри (режиссёр О. Салимов) ва яна учта театр томонидан намоиш этилганлиги.

Дунёда сонлар билан боғлиқ турли афсоналар юради. Кўнгина халқларда эса 7 сони хосиятли рақам ҳисобланади. Аслида бу ҳеч нарсани ҳал қилмаса-да ва ҳеч қандай илоҳий мантиққа эга бўлмаса-да, ҳаётда шу сон билан боғлиқ бир қанча ажойиботлар мавжуд.

7 кун, 7 мўъжиза, 7 ҳазина, 7 авлод, 7 иқлим,
7 ранг, 7 сайёра, 7 денгиз, 7 фарз...

Қуйида машҳур еттиликлар билан танишасиз.

МАШҲУР ЕТТИЛИКЛАР



3.3. Санъат олами, санъат ва санъаткор ҳақида тушунчалар.

Санъат турлари ва жанрлари, унинг тасвирий ва ифодавий турлари. Тасвирий санъат номоёндаларининг энг машхур асарлари: декоратив-амалий ва архитектура санъати; қадимий дунё санъати, уйғониш даври; тасвирий санъатнинг ҳозирги ҳолати ва турли йўналишлари; Қадимий театрнинг пайдо бўлиши, унинг ривожланиш этаплари ва такомилланиши: театр санъатининг жамиятнинг маънавий ва ижтимоий ҳаёти билан узвийлиги, таниқли драматург, режиссёр ва актёрларнинг ижоди: миллий театрларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги; ўзбек театрining тарбиявий ва эстетик имкониятлари; кино санъатининг тарихи *ҳақида тасаввурга эга бўлиш*;

кино санъатининг урушдан олдинги ва кейинги вақтда пайдо бўлиши ва ривожланиши; ўзбек киноси санъатининг сарчашмалари, ўзбек санъатида янги жанрларнинг пайдо бўлиши; МДҲ ва чет эл кино санъатининг ривожининг асосий тарихий этапларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*:

- сценарий-кинофильм асоси; кинода режиссёрлик ва актёрлик санъати; кино санъатининг асосий компонентлари; дунё кино санъатининг турлари ва жанрлари; дубляж санъати; маданий ва маърифий ишда кино, янги авлод тарбиясида кинонинг роли; киносеварлар бирлашмаларининг мақсад ва вазифалари *қўникмаларига эга бўлиш керак*.

Айрим тадқиқотчилар санъат ўз маҳсулига эга бўлганлиги сабабли уни ишлаб чиқариш тармоғига қўшадилар. Бошқаларнинг фикрича эса санъат маҳсули эстетик рамзга эга ва маданий жиҳатдан эстетик эҳтиёжни қондиришга қаратилмаган бошқа маҳсулотлардан ажралиб туради. Лекин иккала турдаги маҳсулот қандайдир маълум бир ахборот ташувчиси ҳисобланади, ва қай бири айнан санъатга тегишли эканлигини аниқлаш баъзи бир ҳолларда қийин бўлади. Баумолнинг фикрича , коллекционер масалан санъат предметини харид қилишидан эстетик завқ олиши билан бирга молиявий даромадни ҳам қўзлайди. Хониг эса ранг тасвир асарини моддий маданиятнинг тугалланган предмети (артефакт), тасвирий маҳсул ва истъемол предмети сифатида тавсифлаган.

Баррере ва Сантагата (1999) хайкалтарош Константин Бранкусининг санъатга тегишли ва санъатга тегишли эмаслигини қанчалик мураккаб эканлигини намоиш қилиш мақсадида 1927 йили Нью Йоркдаги Божхона бошқармасига қарши бўлган суд ишини мисол тариқасида келтиришмоқда. Унинг Нью Йорк портига олиб кирилган “Фазодаги қуш” номли хайкалини қандай товарлар гурихига киритиш қийинчилик туғдирди, чунки 1913 йилдан буён АҚШга келган санъатга тегишли барча товарлар божхона тўловларидан озод этилган эди. Лекин кўпчилик хайкални ишлаб чиқаришга хослиги ва ундан импорт божи ундирилиши кераклигини баҳслашишарди. Бранкуси бу ишни ютиб чиқди, лекин ҳанузгача санъат маҳсулини аниқлашда кўплаб баҳслар олиб борилмоқда. Ушбу вақтда аниқланган омилларга санъат ишининг оригиналлиги ва ҳаққонийлиги, у қўлда ясалган ва ясалмаганлиги, унинг амалий қиймати ва истъемол кўрсаткичлари киритилди.

Санъат ишини унинг оригиналигидан аниқлаш мушкул бўлиши мумкин, агарда Марсел Душаннинг тайёр маҳсулотдан объектига назар ташласак (Юдовитс, 1993): “ Менинг устахонамда велосипеднинг ғилдираги бор эди. Уни қолган ишларимга қўшишим ёки уни алоҳида бир санъат асари деб билишим керакми деб ўзимга савол бердим.” Ғилдиракнинг икки холатига Душаннинг бўлган қизиқиши парадоксни келтириб чиқаради. Ва айнан у санъат асарини яратишга қандайдир яширин кучларни очиб беради. Кўплаб саноат прототиплар оригинал ҳисобланса ҳам улар санъат асарлари эмаслигича қолаверади. Санъатнинг чегараси чексиз ва замонавий санъат вақт билан чегараланган, ҳамда оммавий ишлаб чиқариш омилларини ўзига жалб этади. Жисмоний оригиналлик ўрнини тез тез янги ғоялар эгаллайди.

Санъат одатда борлиқ табиати, ирода ва хис туйғулар, интуитив кўра олишни намоён қилади (Чартранд, 1990). Бу фикрда рассом ўз маҳоратини ривожлантириши ва бозорга ўз асарини тақдим этишини тушуниш муҳимлиги ўз аксини топган. Чартранд нотижорат ва тижорат тасвирий

санъатни ажратиб, хаваскор рассомлар ўрнини кўриб чиқди ва қуйидаги учта ўзаробоғлиқликни аниқлади: тасвирий санъат профессионал фаолият бўлиб, унда санъат фақат санъат учун хизмат қилади.

Тасвирий санъатда ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакли бу маҳоратли ягона рассом, ҳамда нотижорат ҳамкорликдир. Тижорат санъат профессионал маҳоратга даромад тикади. Чартранд рассомни ташкилий фикрлашга қўшилмайдиган таваккалчи тадбиркор сифатида кўрмоқда. Рассом бу микро бизнес эгаси ёки менежеридир. Хёшман ёзишича, рассом ва хунарманднинг ўртасидаги фарқ шундаки, хунарманд функционал маҳсулот ишлаб чиқаради. Санъат сифатида ушбу соҳанинг бир қисми бўлиши мумкин бир вақтда унинг хунармандлиги замонавий хунармандликнинг кенгроқ истикболларини қамраб олмай балки фақатгина миллий анъанага йўналтирилган. Хунармандликда фойдали нарсаларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган билим ва малакалардан иборат. Ташкилий шакл шундайки, унда ишловчи нима қилиш керак ва қандай натижа бўлиши кераклиги олдиндан буюртмачи томонидан белгиланган ишни бажаради. Рассом эса бошқаларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳар қандай мажбуриятдан озод бўлишни хошлайдилар.

Функционаллик ва утилитаризм (фойдалилик) бу санъат ва хунармандлик ўртасида фарқловчи кўрсаткичлардир. Лекин замонавий хунармандчилик ҳамс санъат каби кўргазмаларда намойиш қилинмоқда ва сотилмоқда. Беккер санъат оламини социологик жиҳатдан кўриб чиқди. Барча санъаткорлар иши бир қанча одамларнинг харакатини қамраб олади. Шундай ҳамкорлик орқали санъат асари дунёга келади ва мавжуд бўлади. Санъат оламининг мавжудлиги санъатга социологик ёндашувини таклиф этади.

Санъат тарихи ва ривожланиш тенденциялари, тасвирий санъат тарихи асослари, Ғарбий Европа санъати, Ўрта асрлар санъати, Уйғониш даври санъати, XIX-XX асрларда Ғарб санъати, Америка санъати, Осиё мамлакатлари санъати, ўзбек тасвирий санъати, кино тарихига кириш, овозсиз фильмлар даври, 50-80 йилларда олинган фильмлар мавзу ва муаммолари, Ўзбекистон киносининг мустақиллик давридаги тараққиёти, Ўзбекистон телевизион киноси, Антик давр театри, Ғарбий Европа театри, Рус театри, Ўзбек театри тарихи, Жадид драматургияси, Мустақилликгача бўлган ўзбек театр тарихи, Ўзбекистон театрлари мустақиллик йилларида



Ғарбий Европа санъати

Антик давр санъати, антик давр санъати тарихи, антик санъатнинг жаҳон санъати тарихидаги ўрни, Эгей санъати, меъморчилик, тасвирий ва амалий безак санъати, қадимги Греция санъати, қадимги Италия санъати, қадимги Рим санъати.



Коллизей V-IV аср

Ўрта асрлар санъати

Шарқ ва Ғарбда ўрта асрлар тарихининг даврий чегараси ривожланишидаги асосий босқичлар, Византия, Шарқий Европа ва Кавказ орти санъати, Готика, роман ва романдан олдинги варварлар санъати, қадимги ва ўрта асрлардаги Ўрта Осиё санъати.

Ўрта асрларнинг етти мўъжизаси

1. Рим Колизей
2. Искандария ер ости йўллари
3. Буюк Хитой девори
4. Авлиё София ибодатхонаси
5. Стоунхенж
6. Пиза минораси
7. Нанжинг будда ибодатхонаси

Уйғониш даври санъати

Уйғониш даври санъати ва шу даврда яшаган йирик санъаткорлар ижоди ва ҳаёти билан таништириш, Ренессанс.



Энг катта Италия опера театри 1875 йил қурилган.

XVII-XVIII асрлар санъати

Эвропа мамлакатлари – Голландия, Филандия, Италия, Испания рассомларининг ҳаёти ва ижоди, шу даврларда янги кириб келган оқимлар-классицизм, барокко, рекоко.

XIX-XX асрларда Ғарб санъати


XVII аср охири- XIX аср бошларида ижод қилган буюк рассомлар ҳаёти ва ижоди билан танишиш, шу даврларда янги кириб келган оқимлар, мактаблар ҳақида тушунча бериш, XX асрдаги санъат намоёндаларининг ижодлари, ҳаёти ва турли янги оқимлар билан танишиш, XVII-XVIII аср ва XIX-XX аср санъатидаги фарк.

XVII асргача қадимги Рус санъати

Қадимги Рус санъати, меъморчилик, тасвирий санъати, ҳайкалтарёшлик турлари, Рус меъморчилиги тараққиёти, Киев руси санъати, Икона санъати, китоб беазаги билан боғлиқ бўлган миниатюра санъати, Андрей Рублёв ижоди.

XIX-XX асарларда Рус санъати

Рус санъатининг ривожланишида мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг тутган ўрни (Пётр II реформалари), Рус меъморчилиги санъатининг ривожланиши, шу даврда кириб келган янги оқимлар ва намоёндалар ижоди, рус манзара жанри ва унинг вакиллари. XX аср санъати ва унинг характерли томони билан танишиш, портрет, манзара ва маиший жанрлар.



Берилган шарт – шароит - сахнада, ёки суратга тушириш майдонидаги тасаввурдаги шароитда актёр томонидан амалга ошириладиган шартли ҳаракат. Берилган шарт-шароит айна ҳаётнинг ўзи эмас, унинг бадий тарзда акс эттирилишидир (“Берилган шарт-шароит” атамаси А.С.Пушқиннинг “Берилган шарт-шароитлар” тўғрисидаги манзумасидан олинган).

Америка санъати

Америка Штатлари санъати тарихининг миллий озодлик ғоялари билан боғлиқ ҳолда риволаниши, меъморчилик санъатининг ўзига хослиги, тасвирий санъат – реалистик санъат анъаналари, таниқли расом ва ижодкорлар ҳаёти ва ижоди билан танишиш.

Осиё мамлакатлари санъати

Олд Осий санъати, Олд Осиёдаги қадимги даврлардаги халқлар ва давлатлар, Осурия санъати, Янги Бобил подшолиги санъати, қадимги Ҳиндистон тарихи ва маданиятига хос бўлган хусусиятлар, меъморчилик, тасвирий, амалий санъат ва ҳунармандчилик, қадимги Хитой санъати, санъат ва дин.

Шарқ мамлакатлари санъати

Эроннинг Яқин Шарқ халқлари санъати ва маданиятидаги тарихий ўрни, қадимги эрон ва Ўрта Осиё санъати, Аҳмоний ва Эллин анъаналари, меъморчилик ва шу даврга оид санъат ва маданият ёдгорликлари билан танишиш.

Ўзбек тасвирий санъати

Қадимги ва Ўрта асрлардаги Ўрта Осиё санъати, Ўзбекистон худудида тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши, мавзуи, характери ва аҳамияти, Қадимги ўзбек санъатининг тараққиётидаги асосий босқичлари.

Кино санъати

Жаҳонда киноматографиянинг пайдо бўлиши (Франция 1895 йил), кинопинг бутун мамлакатлар бўйлаб тезда тарқалиши, кино ўзи нима, кинопинг жанр ва турлари, Туркистонда киноматографнинг пайдо бўлиши (1897 йил).

Овозсиз фильмлар даври

Биринчи оператор Х.Девонунинг ҳаёти ва ижоди, ўзбек кино тарихида 20-30 йиллар, режиссёрлар ва уларнинг ижоди: Н.Ғаниев, К.Ёрматов, Н.Кладо, М.Доронин, Э.Ҳамроев ва бошқалар, Ўзбекистонда киносида овознинг пайдо бўлиши, 1937 йил “Қасам” фильми, Асад Исматовнинг ижоди (“Қасам” фильмидаги биринчи роли), овозсиз фильмлар намоиши ва муҳокамаси.

Иккинчи жаҳон уруши даври йилларидаги ўзбек кино санъати

Наби Ғаниевнинг “Тоҳир ва Зухро”, Яков Протазановнинг “Насриддин Бухорода”, Комил Ёрматовнинг “Алишер Навоий” фильмлари, ўзбек киносида бадиий ўзига хослик ва режиссёрлик маҳорати, фильмлар намоиши ва муҳокамаси.

50-80 йилларда олинган фильмлар мавзу ва муаммолари

Тоталитаризм тузумидаги мавзулар, Совет киносининг даври, даврнинг энг яхши фильмлар, “Мафтунингман”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Ўтган кунлар”, “Келинлар кўзғолони” ва бошқалар, Ўзбекистон маданиятида Совет даври киносининг аҳамияти ва тутган ўрни, Ш.Аббасов, Р.Ботиров, К.Камолова, М.Абзалов ва бошқа режиссёрлар ижоди.

Ўзбекистон киносининг мустақиллик давридаги тараққиёти

Мустақиллик даврида ўзбек киносининг мавзувий йўналиши ва ғоявий мазмуни, режиссёрлар ЮРозиқов, З.Мусақов, Е.Тўйчиев, А.Шаҳобиддинов, К.Камолова ва бошқалар, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан яратилган фильмлар намоиши ва муҳокамаси.

Назорат саволлари

- [1. Bob Abelman and Cheryl Kushner фикрича, санъат –бу нима?](#)
- [2. Санъат турларини қандай талаб даражасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин?](#)
- [3. Санъатшунослик соҳасида таҳлил ва танқид тури?](#)
- [4. Санъатнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?](#)
- [5. Аудитория нима?](#)
- [6. Анъанавий театр элементларини нималар ташкил этади?](#)
- [7. Хоржий санъат турлари?](#)

Отформатировано: Шрифт: (по умолчанию) Times New Roman, 14 пт, Цвет шрифта: Авто

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто, узбекский (кириллица)

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто, узбекский (кириллица)

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто

Фойдаланилган адабиётлар

- [1. . Боб Абелман анд Черил Күшне , ATheater Criticism/Arts Journalism Primer: Refereeing the Muses, Peter Lang Publishing, Inc., New York, 2013](#)
- [2. М.Ш.Қайимов, А.С.Умаров, У.Ғ.Зуннунова. Санъат менежменти. Ўқув қўлланма. Тошкент 2012](#)

Отформатировано: Шрифт: (по умолчанию) Times New Roman, Цвет шрифта: Авто

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- Амалий машғулот.

Санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари

Санъатшуносликнинг илғор хорижий тажрибалари мақсади, вазифалари, назарияси ва амалиётининг эволюцияси. Санъат турлари бўйича таҳлил этиш. “санъат” тушунчаси ва функцияси.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар томонидан кичик гуруҳларга бўлиниб, улар ҳар бир вазифа бўйича берилган саволлардан жавоб олиш жараёнида оғзаки таҳлил орқали шарҳлаб бериши лозим.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 4-гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот мuddати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Вокеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳга ишлангн вазифалари
Ҳар ким ўз урғиларини билгани, ҳурмат билларини керак.
Ҳар ким актив билганида, беришга тинчиринга мақсулдат билан қарасан, ақлла ишгани керак.
Ҳар ким ҳар бир бўлган ҳоҳла сўраш сўраш лозим.
Ҳар ким ундан сўраш сўрашанда илбатта сўраш бериши керак.
Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.
Ҳар ким аниқ тушуниши керакки.
– Бошқаларга ўргатиб ўзини ўргатами.
– Кемага тушганининг жонин бир, о бирга кутилами. Эки бирга чўкамиз.

Отформатированная таблица

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.
2. Мухокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

Отформатовано: междустрочный, множитель 1,15 ин, Узор: Нет (Светло-синий), Поз.табуляции: 13,49 см, по левому краю

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

<u>Саволлар.</u>	<u>Тушунча ва шарх</u>	<u>Изох</u>
<u>Санъат концепцияси нимани англатади?</u>		
<u>Санъатлар турларининг эволюцион ривожига ҳақида гапириб беринг</u>		
<u>Санъат тушунчаси нимани англатади?</u>		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

<u>Саволлар.</u>	<u>Тушунча ва шарх</u>	<u>Изох</u>
<u>Санъат турларининг субъектлари ва объектларини тушунтириб беринг.</u>		
<u>Санъат сектори ҳақида сўзлаб беринг.</u>		
<u>Санъатни қандай таснифлаш мумкин?</u>		

Отформатовано: русский

Учинчи гуруҳ учун вазифа.

<u>Саволлар.</u>	<u>Тўшунча ва шарх</u>	<u>Изоҳ</u>
<u>Санъатшуносликнинг максаллари нима?</u>		
<u>Бугунги кунда санъатнинг бадий таркибига нималар киради?</u>		
<u>Санъатшунослик соҳасида интернет кўргазмаларининг қандай асосий жиҳатлари мавжуд?</u>		

Тўртинчи гуруҳ учун вазифа.

<u>Саволлар.</u>	<u>Тўшунча ва шарх</u>	<u>Изоҳ</u>
<u>Санъат сектори ҳақида сўзлаб беринг.</u>		
<u>Доимий истеъмолчилар кимлар?</u> <u>Потенциал истеъмолчилар ким?</u>		
<u>Санъат асарлари деб нимага айтилади?</u>		

Отформатировано: По ширине, междустрочный, множитель 1,15 ин, Не изменять интервал между восточноазиатскими и латинскими буквами, Не изменять интервал между восточноазиатскими буквами и цифрами, Поз.табуляции: 2 см, по левому краю

2-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

<u>Гурух-лар</u>	<u>Жавобларнинг аниқ, равшанлиги</u>	<u>Ахборотнинг ишончлилиги</u>	<u>Гурух аъзосининг фаоллиги</u>	<u>Умумий баллар</u>	<u>Баҳо</u>
<u>1-гурух</u>					
<u>2-гурух</u>					
<u>3-гурух</u>					
<u>4-гурух</u>					

Тестлар

	Фан боби	Фаннинг қийинлиги	Қийинлик даражаси	Тест топшириги	Тўғри жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
	1	1	1	Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри бугунги кунда қандай номланади?	*Ўзбек Миллий академик драма театри	Ҳамза номидаги академик театр	Ўзбек давлат драма театри	Ҳамза театри
2.	1	1	1	Биринчи ўзбек ёзма драмаси "Падаркуш"нинг муаллифи ким?	*Маҳмудхўжа Бехбудий	Абдулла Қодирий	Абдулла Авлоний	Ҳамза
	1	1	1	"Абулфайзхон" тарихий драмасини ким ёзган?	*Абдурауф Фитрат	Абдулхамид Чўлпон	Усмон Носир	К. Яшин
	1	1	1	"Бахтсиз куёв" кимнинг асари?	* Абдулла Қодирий	Ҳ.Ҳ Ниёзий	Абдулла Авлоний	М.Уйгур
	1	1	1	Маннон Уйгур "Турон" труппасида ўз фаолиятини қачон бошлаган?	*1916 йил	1918 йил	1915 йил	1914 йил
	1	1	1	Ҳамзанинг "Заҳарли ҳаёт" драмаси қачон ёзилган?	*1915 йил	1914 йил	1911 йил	1917 йил
	1	1	1	"Ҳалима" мусиқий драмасини ким ёзган?	* Ғулом Зафарий	Ҳамза	Хуршид	Фитрат

1	1	2	Аброр Ҳидоятонинг “Лайли ва Мажнун” спектаклида ўйнаган ролини белгиланг.	*Қайс - Мажнун	Науфал	Ибн Салом	Ғофур
1	1	2	Москвада маориф уйи қошида ўзбек студияси қайси йили очилган?	*1924 йил	1925 йил	1923 йил	1920 йил
1	1	2	Москвадаги ўзбек студиясида диплом спектакли сифатида Н. Гоголнинг қайси асари сахналаштирилган?	*“Ревизор”	“Уйланиш”	“Қиморбозлар”	“Ўлик жонлар”
1	1	2	Комил Яшиннинг “Номус ва муҳаббат” драмаси асосида яратилган спектаклда Онахон ролини ижро қилган актриса ким?	*Сора Эшонтураева	Замира Ҳидоятова	Тошхон Султонова	Турсуной Сайидази мова
1	1	2	Шекспирнинг “Гамлет” трагедиясини Ўзбек Миллий академик драма театрида сахналаштирган режиссёрнинг номини белгиланг?	*Маннон Уйғур	Бобо Хўжаев	Етим Бобожонов	Жавод Обидов
1	1	2	Гамлет ролининг биринчи ижрочиси ким?	* Аброр Ҳидоятон	Олим Хўжаев	Шукур Бурхонов	Амин Турдиев
1	1	2	Ҳамза номидаги ўзбек давлат (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма) театрига “Академик театр” унвони қачон берилган?	*1933 йил	1932 йил	1930 йил	1935 йил
1	1	2	1939 йили академик театр сахнасида қўйилган “Бой ила хизматчи” спектаклининг	* Етим Бобожонов	Маннон Уйғур	Жавод Обидов	Бобо Хўжаев

				режиссёри ким?				
1	1	3	Ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида Шекспирнинг “Отелло” трагедияси биринчи мартаба қачон қўйилган?	* 1941 йил	1940 йил	1942 йил	1939 йил	
1	1	3	Ўзбек театри сахнасида Отелло ролини биринчи ким?	*Аброр Ҳидоятлов	Шукур Бурҳонов	Амин Турдиев	Лутфилла Назруллаев	
1	1	3	“Отелло” спектаклидаги Яго ролини биринчи ижрочиси ким?	*Олим Хўжаев	Пўлат Саидкосимов	Миршоҳид Мироқилов	Турғун Азизов	
1	1	3	“Жалолiddин Мангуберди” тарихий драмасини ким ёзган?	* Максуд Шайхзода	Иззат Султон	Ҳамид Олимжон	Уйғун	
1	1	3	“Муқанна” тарихий драмасининг муаллифини эсланг?	*Ҳамид Олимжон	Уйғун	Комил Яшин	Иззат Султон	
1	1	3	“Алишер Навоий” тарихий биографик драмаси кимлар қаламига мансуб?	*Уйғун Иззат Султон	Ҳамид Олимжон, Комил Яшин	Мақсуд Шайхзода, Зиннат Фатхулин	Баҳром Раҳмонов, Абдулла Қаххор	
1	1	3	“Алишер Навоий” драмасини биринчи сахналаштирган режиссёр ким?	* Маннон Уйғур	Етим Бобожонов	Раззоқ Ҳамроев	Жавод Обидов	
1	2	1	“ Мирзо Улуғбек” асари муалифи ким ?	. * М.Шайхзода	Ҳ.Расул	Э.Хушвактов	Ҳ.Муҳаммад	
1	2	1	“Алишер Навоий” спектаклидаги Гули ролини биринчи ижрочиси ким?	*Сора Эшонтўраева	Шоҳида Маъзумова	Икром Болтаева	Холида Хўжаева	
1	2	1	Абдулла Қаххорнинг “Шоҳи сўзана” комедияси Ўзбек миллий академик театрда қачон қўйилган ва унинг режиссёри ким?	*1952 йил, Александр Гинзбург, Тошхўжа Хўжаев	1957 йил, Маннон Уйғур, Етим Бобожонов	1946 йил, Бобо Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев	1960 йил, Николай Ладигин, Жавод Обидов	

1	2	1	“Юрак сирлари” комедиясини ким ёзган?	*Баҳром Раҳмонов	Зинат Фатхулин	Туроб Тўла	Абдулла Қаҳҳор
1	2	1	“Оғрик тишлар”, “Тобутдан товуш”, “Аяжонларим” комедиясининг муаллифи ким?	*Абдулла Қаҳҳор	Комил Яшин	Уғун	Иззат Султон
1	2	1	“Чимилдик” асарининг муаллифини эсланг?	*Эркин Хушвақтов	Комил Яшин	Уйғун	Абдулла Қаҳҳор
1	2	2	Ўзбек Миллий академик драма театрида сахналаштирилган “Мирзо Улугбек” спектаклининг режиссёри ва бош ролнинг ижрочиси ким?	*Александр Гинзбург, Шукур Бурҳонов	Тошхўжа Хўжаев, Олим Хўжаев	Раззоқ Ҳамроев, Наби Раҳимов	Бобо Хўжаев, Аброр Ҳидоятлов
1	2	2	Муқимий номидаги мусиқали драма театрида сахналаштирилган “Нурхон” спектаклида Кимё ролини биринчи ижрочиси ким?	*Лутфихоним Саримсоқова	Эътибор Жалилова	Омина Фаязова	Фароғат Раҳматов
1	2	2	1939 йилда Муқимий номидаги театрда қўйилган “Майсаранинг иши” спектаклининг режиссёрларини эсланг?	*Миршоҳид Мироқилов	Жавод Обидов	Зухур Қобулов	Бобо Хўжаев
1	2	2	Республика кўғирчоқ театри қачон ташкил топган?	*1939 йил	1928 йил	1930 йил	1926 йил
1	2	2	Ўзбек мусиқали театрининг буюк режиссёри ким ?	*Музаффар Муҳамедов	Валижон Умаров	Олимжон Салимов	Наби Абдурахмонов
1	2	2	Республика ёш томошабинлар театри қачон	*1930 йил	1936 йил	1939 йил	1949 йил

				ташкил топган?				
	1	2	3	Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат опера ва балет театрининг ташкил топган йили?	*1939 йил	1942 йил	1940 йил	1941 йил
	1	2	3	Ўзбек Миллий академик драма театрида сахналаштирилган “Ўлимдан кучли” спектаклининг режиссёри эсанг?	*Т. Хўжаев	И. Радун	Гинзбург	Етим Бобожонов
	1	2	3	Ўзбек Миллий академик драма театрида қўйилган “Сарвқомат дилбарим” спектаклида бош қахрамон Илс ролини ижро қилган актёр?	*Турғун Азизов	Тўлқин Тожиев	Ёқуб Аҳмедов	Теша Мўминов
	1	2	3	Муқимий номидаги ўзбек мусикали театрида сахналаштирилган “Тошболта ошиқ” спектаклининг режиссёри ва бош ролини ижро қилган актёрни эсанг?	* Разоқ Хамроев, Сойиб Хўжаев	Бахтиёр Ихтиёров, Махмуджон Ғофуров	Абдурашид Рахимов, Суръат Пўлатов	Баходир Аҳмедов, Файзулла Аҳмедов
	1	2	3	“Қиёмат қарз” спектаклида бош ролини ижроси ва асар муаллифи ким?	* Шукур Бурхонов, Ўлмас Умарбеков	Олим Хўжаев, Туроб Тўла	Наби Рахимов, Ёқубжон Шукуров	Аброр Ҳидоятлов
	1	2	3	Аброр Ҳидоятлов номидаги театрда қўйилган “Қора камар” спектаклининг режиссёри ва асар муаллифи ким?	*Баходир Йўлдошев, Шукур Холмирзаев	Рустам Ҳамидов, Максим Каримов	Олимжон Салимов, Машраб Бобоев	Валижон Умаров, Афзал Рафиқов
	1	2	3	Муллатўйчи	*Баходир	Мансур	Карим	Валижон

				Тошмухаммедов номидаги Қашқадарё вилояти театрида Фитратнинг “Абулфайзхон” тарихий драмасини сахналаштирган режиссёрнинг исми?	Назаров	Равшанов	Йўлдошев	Умаров
	1	2	3	Ўзбек Миллий академик драма театрида сахналаштирилган “Шоҳ Эдип” трагедиясидаги бош ролни ижроچиси ким?	*Шукур Бурхонов	Олим Хўжаев	Қудрат Хўжаев	Теша Мўминов
	1	2	3	Улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур Таваллудининг 660 йиллигига бағишланган “Соҳибкирон” шеъринг драмасининг муаллифи?	*Абдулла Орипов	Хусниддин Шарипов	Эркин Воҳидов	Ҳайитмат Расул
	1	2	3	Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти театрида қўйилган “Темир хотин” спектаклининг режиссёри, бош роль ижроچиси ва асар муаллифини эсланг?	*Олимжон Салимов, Солижон Юсупов, Шароф Бошбеков	Мансур Равшанов, Равшан Жўраев, Машраб Бобоев	Йўлдош Каримов, Соли Ахмедов, Ҳайитмат Расул	Валижон Умаров, Солижон Юсупов, Машраб Бобоев
	1	3	1	Республикка ёш томошабинлар театрида сахналаштирилган “От йиғлаган оқшомда” спектаклининг режиссёри ва асар	*Олимжон Салимов, Тоғай Мурод	Жўра Маҳмудов, Йўлдош Сулаймон	Рустам Ҳамидов, Ҳайдар Мухаммад	Баҳодир Йўлдошев, Ҳайитмат Расул

				муаллифи?				
1	3	1	Муқимий номидаги республика мусикали драма театрида қўйилган “Нодирабегим” спектаклининг режиссёри ва бош роль ижрочиси кимлар?	*Баходир Йўлдошев, Зулайҳо Бойхонова	Рустам Маъдиев, Мехри Бекжонова	Носир Отабоев, Гулчеҳра Мирзажонова	Баходир Аҳмедов, Мехри Бекжонов	
1	3	1	Аброр Ҳидоятлов номидаги театрининг “Отелло” спектаклининг Отелло ва Яго ролларини ижро қилган актёрлар?	*Элёр Носиров, Афзал Рафиков	Пўлат Саидкосимов, Ёдгор Саъдиев	Ҳошим Арслонов, Махмуд Исмоилов	Пўлат Саидкосимов, Элёр Носиров	
1	3	1	Ўзбек миллий академик драма театрида қўйилган “Пири Коинот” спектаклининг режиссёри ва асар муаллифи ким?	*Валижон Умаров, Ҳайитмат Расул.	Турғун Азизов, Муҳаммаджон Хайруллаев	Сергей Каприелов, Ҳайдар Муҳаммад	Олимжон Салимов, Эркин Самандаров	
1	3	1	Театр санъати соҳасида Ўзбекистон қахрамони бўлган актёр?	* Зикир Муҳаммаджонов	Рихситилла Абдуллаев	Мехриддин Раҳматов	Учқун Тиллаев	
1	3	1	“Ўлдинг азиз бўлдинг” кимни асари?	*Ҳолиқ Хурсандов	Ойбек	Уйғун	Ҳ.Расул	
1	3	2	Ҳайитмат Расул асарлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган ?	* “Пири коинот”, “Олтин қиз”	“Келинлар кўзғолони”, “Олтин қиз”	“Чимилдик”, “Пири коинот”	“Нексия”, “Бевалар”	
1	3	2	«Турон» труппаси ўз фаолиятини қайси пьеса билан бошлаган?	*«Падаркуш»	«Адвокатлик осонми?»	«Заҳарли ҳаёт»	«Туркистон штаби»	
1	3	2	«Турон» труппасига ким асос солган?	*Абдулла Авлоний	Ҳамза Ҳақимзода	Абдулла Қодирий	Маҳмудхўжа Бехбудий	
1	3	2	Марямхон образи қайси пьесадан?	*«Заҳарли ҳаёт»	«Бой ила хизматчи»	«Падаркуш»	«Мазлума хотин»	

1	3	2	А.Қодирийнинг «Турон» группаси сахнага қўйган пьесаси?	*«Бахтсиз куёв»	«Меҳробдан чаён»	«Заҳарли хаёт»	«Ёркиной»
1	3	2	Ўзбек Миллий академик драма театрининг ташкил топган санаси	*1914 йил 27 феврал	1918 йил 3 ноябр	1927 йил	1930 йил
1	3	2	Кўп пардали биринчи ўзбек мусикий драмаси?	*«Халима»	«Фарҳод ва Ширин»	«Лолахон»	«Лайли ва Мажнун»
1	3	2	«Халима» пьесасининг муаллифи	*Ғулом Зафарий	Ҳамза Ҳақимзода	Чўлпон	Хуршид
1	3	2	“Тошкентнинг нозанин маликаси” кимнинг асари?	*Ҳайдар Муҳаммад	Ҳамза Ҳақимзода	Хуршид.	Чўлпон
1	3	3	Ғарб классик драматургиясидан ўзбек сахнасида илк қўйилган пьеса?	*Макр ва муҳаббат	Қароқчилар (“Босмачилар”)	Хасис	Отелло

2- мавзу. Санъатшуносликнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари

Режа:

- 2.1. Санъатшуносликнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари
- 2.2. Театр ва кино санъати
- 2.3. Ривожланган давлатлар тажрибаси:

Таянч иборалар: театр ва кино санъати, сахна санъати, , томошабин, Тасвирий санъа, галерея, театришунослик, метод,

2.1. Санъатшуносликнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари

Таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. Санъатшунослик фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар. Очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни

яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Санъатшунослик фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш.

Кўплаб театрлар ўзининг маконига эга. Яқингача уларни ишлаб чиқувчи ва тўпловчи категоияларига киритиш мумкин бўлган. Шоулар мавсумида доимий труппа тузилиб, улардан бирилари томоша кўрсатса, иккинчилари репетиция қилишган. Кимдир гастроллар шоусини кўрсатиш учун бир ва ундан кўпроқ кеча учун йиғилишган. Иккала кўринишдаги театр турли менежмент ва маркетинг тажрибаларини талаб қилган. Тўпловчи менежерлар шоу яратишга ҳаракат қилган, уларни кропперлар, яъни чоракорлар каби билишган. Ишлаб чиқувчи менежерлар эса гастрол проомотеридан уларнинг истъемолчилари нима сотиб олишлари ҳақида тўлиқ билимга эга бўлмаганлар, уларда проомотерлар билан музукоралар олиб бориш маҳорати ҳам йўқ эди.

Санъат олами ўз ижодкорлиги билан бошқа соҳалардан ажралиб турса ҳам, назарияси ўз ривожини давом этиб, кетма кет жараёнларни тақдим этиб келмоқда ва улар эса ўз навбатида санъат намояндаларини бозор муносабатларига эътиборини қаратишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Тасвирий санъат ижодкорлари қандай қилиб санъат ва бизнесни бриктиришини тушуниш учун маркетинг тадқиқодчиси маркетинг назариясидаги мос келувчи шакллари топа олиши лозим. Назарияда кўрсатилган йўллар амалиётда ўз ечимини топа олмаслиги маркетингнинг бошқа тармоқларида ҳам кузатилиши мумкин.

Санъат олами, санъат ва санъаткор ҳақида тушунчалар. Айрим тадқиқотчилар санъат ўз маҳсулига эга бўлганлиги сабабли уни ишлаб чиқариш тармоғига қўшадилар. Бошқаларнинг фикрича эса санъат маҳсули эстетик рамзга эга ва маданий жиҳатдан эстетик эҳтиёжни қондиришга қаратилмаган бошқа маҳсулотлардан ажралиб туради. Лекин иккала турдаги маҳсулот қандайдир маълум бир ахборот ташувчиси хисобланади, ва қай бири айнан санъатга тегишли эканлигини аниқлаш баъзи бир ҳолларда қийин бўлади. Баумолнинг фикрича , коллекционер масалан санъат предметини харид қилишидан эстетик завқ олиши билан бирга молиявий даромадни ҳам кўзлайди. Хониг эса ранг тасвир асарини моддий маданиятнинг тугалланган предмети (артефакт), тасвирий маҳсул ва истъемол предмети сифатида тавсифлаган.

Санъат ва санъат намояндалари асрлар мобайнида санъат тарихининг бир қисми сифатида шаклланди.

2.2. Театр ва кино санъати

Таянч тушунчалар: Театр санъати, драма, комедия, сатира, трагедия, режиссура, пантомима, опера, балет, декорация, сахна, томошабин, спектакл, пьеса, актёр, мезонсахна, мусикали драма, кўғирчақ театри, майдон ўйинлари ва маросимлари.

1. Театр – обектив борлиқдаги воқеа-ходисаларни сўз, соз, мусика, ракс, пантомима, ҳаракат орқали ифодаловчи санъатнинг энг оммавий ва қадимий турларидан биридир.

Театр – юнонча “театрон” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “томошагоҳ” маъносини англатади. Актёрларнинг сахнавий ҳаракатлари орқали ҳаётни, ҳаётини ходисаларни бадиий равишда акс эттирувчи санъат тури, шу санъатга асосланган томошалар ҳам театр деб аталади. Ёки Шундай санъат намойиш қилинадиган, томошалар кўрсатиладиган бино тушунилади. Умумий маънода эса актёрларнинг сахнадаги орқали кўрсатиладиган томоша, спектакл назарда тутилади. Айни пайтда мустақил санъат тури бўлиб, унинг ўзига ҳос ифода воситаси, актёрнинг омма олдидаги ўйини жараёнида юзага келадиган сахнавий воқеалардан таркиб топади. Бошқа санъатларда бўлганидек театр санъатида ҳам халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр асосида ёзма ёки оғзаки драматургия ётади.


Театр санъати синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида томошабинларнинг маънавий ва эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутди. Унда драматургия, мусика, тасвирий санъат, ракс, меъморлик ажралмас бирликни ташкил этади.

Театрнинг санъатининг муҳим воситаларидан бири – сахна нутқиидир. Актёр қаҳрамоннинг пьесадаги сўзларини ўзлаштириб олар экан, қаҳрамон киёфасида, ҳолатларда туриб унинг нутқий тавсифини яратади, бошқа персонажлар билан мулоқотга киришади. Сахна нутқи ҳаракатларнинг очилишида, асар мазмуни, конфликтининг ёритилишида муҳим ўрин тутди.

Сахна асарларининг яратилишида театр расоилари (сценографияси) нинг ҳиссаси катта. Рассом асар мазмуни, ғояси ва режиссёрлик ечимидан келиб чиқиб, ўзига ҳос ва сахна кўринишларига мос декорация яратади. Бу эса маълум маънода сахна асарининг муваффақиятини таъминлайди.

Театр санъатида мусиканинг ҳам алоҳида ўрни бор. Томоша тури ва жанрига боғлиқ ҳолда у турли вазифани бажаради: дараматик санъаткорларда ёрдамчи восита бўлса, опереттада, мусикали драмада сўз билан баробар ҳуқуққа эга. Опера ва балетда эса ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Театр санъати фани юртимизда ва бутун дунёда театр санъатининг келиб чиқиши, тарихий тараққиёт босқичлари, ҳозирги долзарб муаммолари ва бадиий жараёнларини ўрганадиган, таҳлил қиладиган мустақил фанлардан биридир.



Трагедия – юнонча сўз бўлиб драманинг бир тури – ҳаётий кучлар, қарама-қарши характерлар, эҳтирослар ўртасидаги кескин кураш, конфликт дахшатли воқеа, ходиса, мудҳиш аҳвол. асос қилиб олинган ва кўпинча қаҳрамоннинг ҳалокати билан тугайдиган фожиали асар (Шекспирнинг “Гамлет”, Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедиялари).

Комедия – ҳаётда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва бошқа воқеаларнинг асл қиёфасини масхаловчи кулгили саҳна асари.


Трагикомедия – фожиали комедия, ҳам трагедия, ҳам комедия элементларини ўз ичига олган саҳна асари.

Сатира – юнонча сўз бўлиб ҳаётдаги салбий ходисаларни, камчилик а нуқсонларни қаттиқ масхаралайдиган, қоралайдиган ўткир ҳажвий асар.

Театр санъатининг асосий йўналишлари:

1. Драма театри
2. Мусиқали драма
3. Сатира театри
4. Опера ва балет театри
5. Оперетта театри


6. Қўғирчоқ театри
7. Қизикчи ва масхарабозлар театри
8. Театр студиялари
9. Эстрада театри
10. Модалар театри



Ўзбек тилида кўпинча томоша атамасини ишлатиш одат тусига кирган. “Томоша” сўзи асли арабча бўлиб, ҳозирги ўзбек тилига ўйганимизда қараш, кўздан кечириш, нигоҳ ташлаш деган маъноларни англатади. Профессор М.Қодиров “томоша” сўзининг моҳияти хусусида тўхталар экан, қуйидаги мулоҳазаларни билдиради. “Томоша-бу кўпчилликка қаратилган ва кўрувчини асосан қувонтирадиган хангомалар, ўйин-кулгилар, буюмлар манзаралар, ижрочилик санъатлари (муסיқа, масхара, муқаллид, қўғирчоқ ўйин, қиссагўйлик, воизлик, дорбозлик ва ҳоказолар) намоёндаларининг чиқишлари; халқ ўйинлари, маросимлари, мана шуларнинг ҳаммаси кўриш, улардан таъсирланиш жараёнидир. Томошада икки томон-ижрочи ва томошабинларнинг жонли мулоқоти муҳим ҳал қилувчи хусусиятдир. Томошалар халқ ва давлат байрамлари, турли-туман маросимлар ва тўйлар муносабати билан ташкил этиладиган базм ва сайилларда яқка ёки бир гуруҳ ижрочиларнинг хоҳишлари билан тўпланадиган йиғин ва маъракаларда бўлиб ўтади” (91.4,5).

Манбаларга қараганда, томоша кўрсатиладиган жой ўтмишда “томошагоҳ”, “зўрхона” (кураш уюштириладиган майдон) “тарабхона”, “маърака

майдони”, “сайилгоҳ”, “ўйингоҳ”, “тойпон” (улоқ мусобақалари ўтказилаётганда ғолиб чавандозларга совринни тантанали топширадиган сахна) каби турли маҳаллий тушунчалар истеъмол қилинган. “Маърака” сўзининг луғавий маъноси уруш майдонидир. Истилода ва кўчма маънода эса халойиқ тўпланадиган ва ҳар хил кишилар ўртага чикиб қобилияти, ҳунарини намоиш этадиган жой ҳам маърака дейилган.




Халойиқ ўртасида кўрсатиладиган томошаларда энг муҳим хусусият ишқибозлар билан ижрочилар ўртасидаги мулоқотдир. Томошалар ўтадиган жойларнинг маърака деб аталиши ҳам шундан. Жанубий вилоятларда халқ орасида “тўпхона”, “давра”, “қур” каби маҳаллий атамалар ҳам ишлатилади. Томошаларни чор атрофда кузатиб, хордиқ чиқариш билан бирга маълум даражада унда иштирок этувчилар “томошачи”, “”томошабин” деб аталади.

XX асрда рўй бера бошлаган маданий трансформация жараёнлари натижасида бундай атамалар сафига янгилари келиб қўшилди. Замонавий биноларнинг қурилиши, Оврўпо намунасидаги янги, ҳар тарафлама қулай томоша саройларининг қарор топиши бунга сабаб бўлди. “Театр”, “томоша зали”, “маданият саройи”, “санъат саройи”, “санъат галереяси”, “кўргазма зали”, “кинотеатр”, “павильон”, “цирк манежи”, “спорт саройи”, “стадион”, “ипподром”. “теннис корти”, “бассейн” каби атамалар шулар жумласидандир. Бугунги кунга келиб бундай атамалар ҳам мазмун ҳам сон жиҳатдан янада кенгайиб бормоқда.

Театр санъати узоқ тарихга эга бўлиб, унинг асосий унсурлари (бошқа қиёфага кириш, дталог, тўқнашув каби) инсониятнинг қадимий даврларида, овчилик меҳнат ва диний маросим, байрамлар билан боғлиқ тотемизм, анимизм каби қадимги дунёқарашлар ва аждодлар рухларига сиғиниш билан

боғлиқ ҳолда шаклланган. Юнонистон, Ҳиндистон, Марказий Осиёда милоддан аввалги тўққизинчи асрдаёқ театр жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган.



Ҳиндистонда театр синскрит тарзида халқ театри шаклларида ҳамда “Махобхлат” ва “Ромаяна” достонлари билан боғлиқ ҳолда рикожланган. Драматургия ва сахна санъати ҳақида “Натъяшастра” номли рисала яратилган. Кейинроқ театр яқин шарқ ва римга ҳам ёйилган. Айниқса римда театрнинг янги шакли ва турлари яратилган. Ғарбий европада театр санъатининг дастлабки намуналари сайёр актёрлар жанглёрлар ижодида, Россияда рус скоморохлари фаолиятида юзага келган.

Ўйғониш даврида вужулга келган драма янги шаклдаги профессионал театрнинг шаклланишига замин яратди.

Ўн олтинчи аср охири – ўн саккизинчи аср ўрталаридан балет санъатига асос солинган бўлса, ўн тўққизинчи аср ўрталаридан оперетта мустақил тетр тури сифатида ривожлана бошлади.

Театр санъатининг кейинги тараққиёти классицизмнинг кенг ёйилиши билан боғлиқ бўлди. Ўн саккизинчи асрда маърифатчилик оқимидаги театр тараққий этди. Аста секин реалистик тенденция кучайди. Айниқса, Галдоне, Шилленр кабилар ижодида реализм ёрқин намаён бўлди. 18 асрнинг

охирларига келиб драма, мелодрамма, комедияларда сатирик йўналишларнинг юзага келиши театрда демократик асоснинг кучайишига сабаб бўлди. Театр ғоявий ва бадиий курашлар майдонига айланди.

XIX асрнинг биринчи ярмида вужудга келган романтик йўналиш театрда гуманистик идналлар ва кўп ҳолларда ҳаётий орзуларнинг ёритилишига олиб келди. Драмада тақлидгўйликдан иборат классицизмга қарши ўзига ҳос миллийлик, халқчиллик, тарихийлик ва ижтимоий адолат учун кураш оҳанглари кенг қулоч ёйди.

XIX аср охирларидан театрни ислоҳ қилишнинг янги даври бошланди. Театр бадиий адабиёт (проза, поэзия), янги драма (Чехов ва бошқалар) билан бойиди.

XIX аср охирларида XX аср бошларида театрларда актёрлик санъатида ҳам янги таълим услуби – станиславский системасини қўллаш бошланди.

XX асрнинг йигирманчи йилларида Мейерхолд, Вахтанговларнинг режиссёрлик фаолияти театрнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

XX аср ўрталарида Ғарб режиссураси ва сахна санъатига Б.Брехтнинг ижодий услуби катта таъсир кўрсатди. Замонавий театр дунё театрининг демократик, халқчил анъаналарини мустақил ўзлаштириб бориши, сахнавий талкинларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда анъанавий театр тарихи жуда қадимийдир. Унинг куртаклари иптидоий жамоа давридаёқ ов ва бошқа меҳнат жараёнлари акс этган тақлидий рақслар, жанговар ва бошқа халқ ўйинлари, табиат кучларига топиниш оқибатида юзага келган маросимлар шаклида намаён бўлган.

Милоддан аввалги VII-VI асрдаёқ туронда зардуштийлик ва унинг муқаддас китоблар тўплами Авесто билан боғлиқ икки тоифа кулгили ва қайғули томошалар шаклланган.

Юнон бактрия подшолиги даврида Ойхоним, Ниса, шаҳри Ғулғулада махсус театрлар бўлиб, уларда Еврипиднинг “Алкеста”, “Ипполит” каби трагедиялари кўрсатилганлиги маълум.

Милоддан аввалги 1-асрлардан милодий 4-асрда Кушон давлатида Будда дини билан боғлиқ турли театрлашган томошалар мавжуд бўлган. Айритом ибодатхонаси пештоқидаги чолғучи қизларнинг тасвирлари шуни кўрсатади. Аста-секин Туронда театр санъати диний маросимлар қобиғидан чиқиб дунёвий мазмун касб этади – инсон ҳаёти, ижтимоий муносабатларни тасвирлашга эътибор кучаяди.

VI-VII асрларда Турон юртидан чиққан чолғучилар, актёр ва раққосалар Буюк ипак йўли орқали қўшни юртларга ижодий сафар қиладилар

IX-XII асрларда халқ байрамлари, маросимлари, урф-одатлари ва улар билан боғлиқ томошалар тикланибгина қолмай, аҳоли орасида кенг тарқалди. Масхара ва таклид театри ҳар жиҳатдан ривожланди.

Темурийлар даврида театр санъатида кескин юксалиш рўй берди. Шарофиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихоларнинг маълумотларича бу дарда ройтахт Самарқанд ва бошқа нуфузли шаҳарларда оммавий театрлашган майдон томошалари уюштирилган. Анъанавий театр ва бошқа санъат томошалари айниқса Миззо Улуғбек даврида (1394-1440) Моварауннаҳрда, Хусайин Бойқаро даврида (1469-1576) Хуросонда тараккий топди.

Кино санъатининг шаклланиши ва ривожланиши даври.

Кинематография тасвири. Предмет ва воқеаларни ҳаракатда кўрсатиш методлари. Дастлабки фильмлар. Хужжатли ва илмий-оммабоп фильмларнинг олинishi. Биринчи кинооператорлар: Луи ва Огюст Лумер, Ж.Промно, Ф.Месгиш, Л.Форесте, Ф.Вериге-Даровский ва бошқалар. Биринчи овозсиз бадиий фильмлар. Кинотасвир санъатининг вужудга келиши. Ёруғлик, композиция, актёр портрети каби жиҳатлар устида ишлаш. Сўзсиз фильм даврида узбек киноси ютуқлари. Операторларнинг павильон, табиат ва интерерда иш олиб боришлари. Ўзбекистан худудида табиий шароитда ёруғлик билан ишлаш жараёни. Урушгача ва уруш даврида узбек фильмларида тасвирий ечим ҳамда операторлик санъати. Овозли фильмларнинг пайдо бўлиши билан ифода воситаларининг ривожланиши. Оператор-журналистлар. Уруш даври операторлари. Кинодокументалисларнинг иш услуби. Улуғ Ватан уруши даврида жанг майдонларида узбек кинооператорлари олиб борган ишлар. А.Лемберг, Г.Гибер, В.Шевченко, В.Асмус, А.Булинский, А.Ибрагимов, А.Одилов, М.Ковнат, А.Саидов, Н.Рядов, А.Турсунов, М.Қаюмов каби хужжатли кино операторлари. Урушдан кейинги даврда яратилган дастлабки ўзбек бадиий фильмлари. Фильмларда тасвирий ечим ва сифат. Маҳаллий кино-операторларнинг етишиб чиқиши. 50-йилларда кинода ранг. Турли операторлар ижодида рангли фильмларнинг пайдо бўлиши. Фильм колорити устида иш олиб бориш. Телевизион кинематографий. Турли жанрлардаги кўп серияли фильмларнинг яратилиши. Телевизион киножурналистика ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Кўпкамeрaли тизим билан ишлаш. Спорт мусобақаларини тасвирга олиш. Ўзбек телевидениеси операторлари томонидан суратга олинган фильмлар. П.Расулов, Ф.Алимов А.Исмоилов,

К.Максудходжаев, Р.Полтуэлов, М.Азимов каби телеоператорларнинг иш фаолияти.

60-90-йилларда узбек кинодокументалистларининг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши. Операторлар О.Каримов, Т.Нодиров, Т.Рўзиев, Н.Азимов, М.Исмоилов, Д.Салимов, Ш.Махмудовларнинг ижодий фаолияти.70-80-йилларда узбек кино санъатининг ривожини. Янги ижодий кадрларнинг етишиб чиқиши. Суратга олиш жараёнининг тезлашиши ва шу каби бошқа асосий тушунчалар ҳақида билим ва тасаввурга эга бўладилар.

Ўзбекистонда кино маданиятининг тарихи ва тараққиёти; кино санъатининг тарихий тараққиёти; кино санъати шаклланишининг асосий тамойил ва усуллари; тараққиёт даврида кинооператорлик маҳорати; операторлик тарихи ҳамда назарияси; Мустақил Ўзбекистонда операторлик санъати даражасига айланиши; ҳудудимизда мавжуд операторлик амалиёти; кенг камровли операторлик маҳоратига оид материаллар; операторлик ишларида танқидий ва таҳлилий асосларини ҳис-туйғуларда ифодалаш. Операторликга оид адабиётларнинг моҳияти ва замон талабига мослаш; кино намуналарини мустақил равишда таҳлил эта олиш; ўз касби доирасида ўз-ўзини ривожлантира олиш маданиятини билиш воқеликни драматургик тасвирий бадиий-эстетик баҳолаш.

Жаҳон ва ўзбек кино санъатини ўрганишининг назарий масалалари. “Буюк соков” – овозсиз кино даври. Овозли кино даври. “Неореализм” намёндалари Ф.Феллини, М.Антониони каби режиссёрлар фаолияти.

Ўзбекистондаги илк киностудиялар фаолияти. Ч.Чаплин, А.Хичкок, С.Эйзенштейн, А.Довженко, Я.Протазанов каби жаҳон киноси намёндалари ижоди. Ўзбекистонда овозли кинонинг бошланиши: Н.Ғаниев, К.Ёрматов, Й.Аъзамов ижоди. Жаҳон кинематография тараққиётининг асосий босқичлари. Кино шакллари, турлари ва жанрлари.

Кинематографиянинг адабиёт, рангтасвир, мусиқа билан алоқалари. Мустақиллик даври киносининг ривожланиш босқичлари. Ҳужжатли кино тарихи ва назарияси. Ўзбек ҳужжатли киноси ривожланиш этаплари. Илмий-оммабоп фильмларда хилма-хил мавзуларнинг ўзлаштирилиши.

Кино санъатида жанр ривожланиш истиқболлари. Кино санъатида техник ҳамда ижодий имкониятларнинг ўсиши. Кино санъатининг мафкуравий роли, ижтимоий аҳамияти ва тарбиявий функциялари.

Ҳужжатли кино хусусиятлари.

Режиссура фани ўрганадиган мавзу ва масалалар доираси.

Профессионал режиссуранинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Кино, телевидение ва радио тушунчаси.

Режиссуранинг касб сифатида вужудга келиши. Телевидение режиссураси назарияси. Ўзбек миллий режиссурасининг туғилиши ва шаклланиши. Буюк актёр, режиссёр ва рассомларнинг ижоди. Ўзбек кино, телевидение ва радио санъатлари миллий хусусиятларининг муҳим (актуал) эстетик муаммолари.

Режиссёр функцияси. Миллий кино санъатининг тур ва жанрлари. Кино ва телевидение санъатларининг синтетик табиати. Замонавий кино, телевидение ва радионинг асосий йўналишлари.

Актёрлик ва режиссёрлик санъатидаги мактаблар ва йўналишлар. Бадиий, хужжатли кино ва илмий-оммабоп, анимацион фильмлар режиссураси. Телевизион кўрсатув ва трансляциялар ҳамда радио эшиттиришлар режиссураси.

Адабий сценарий, киносценарий, телевизион кўрсатувлар ва радио постановка сценарийси. Кино, телевидение ва радио режиссураси бадиий-ифодавий бегаги.

Кино ва телевидениеда мусикий безак. Драматургик асарнинг композицион тузилиши қонунлари.

Жанрлар. Драматургик жанрларнинг асосий хусусиятлари. Гоявий, маънавий, ахлоқий, бадиий дунёқарашни тарбиялашда кинотелерадионинг имкониятлари.

Кино санъатида монтаж. Монтаж санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Оддий ва мураккаб монтаж. Махсус эффектлар.

Параллел, мавзули, таҳлилий, фикрий монтаж.

Клипли, шоирона, ритмик монтаж. Мураккаб монтажнинг асосий тамойиллари. Мураккаб монтаждаги каскадёрлик маҳорати.

Макетли монтаж. Кўп қиррали композиция, ярим кадр. Фотографиялар, тасвирлар ва мураккаб овоз монтажлари. Йирик план, сахна кадрларини боғлаш тамойиллари.

Йирик пландаги монтаж, борлиқда ориентир олиш бўйича монтаж. Кадрдаги бош объектнинг ҳаракатига қаратилган монтаж.

Жанг, табиий офат, ҳавода, сув остида тасвирга олиш, оммавий сахналарни суратга олишдаги мураккаб монтаж ишлари. Кадрдаги ҳаракатланаётган объектлар монтажи.

Объектлар ҳаракати ритмика (темпи) бўйича монтаж. Композиция монтажи. Ёруғлик ва ранг монтажи. Кетма-кетликдаги давомли монтаж.

билан ижодий ҳамкорлиги.

Кино операторлик санъатининг техник тасвирий ифода воситалари. Техник ускуналардан бадиий мақсадларда фойдаланиш. Операторлик крани, операторлик рельс-аравачаси ва стедикам мувозанатлаш ускунасидан фойдаланиш.

Фильмнинг яратилиш жараёнида техник жиҳозлар ёрдамида экран образини яратиш. Бадиий фильмларда фильм ички динамикасини очиришда, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини очиб беришда операторлик санъатининг техник тасвирий ифода воситаларидан фойдаланиш. Кино операторининг бадиий фильм тасвирий ечими устидаги изланишида техник воситалардан фойдаланиш. Операторлик санъати техник воситаларининг ривожланиш босқичлари. Операторлик техникасининг тасвир сифатига таъсири. Экран образи устида ишлаши.

Кинокадр композиция асослари. Бадиий фильмларда кадр композицияси ва унинг асосий унсурлари. Кадр композициясини куришда драматургис асос билан боғлиқлик. Композиция турлари ва уларнинг хусусиятлари: ранг композицияси, кадрнинг ёруғлик композицияси, очик композиция, ёпиқ композиция.

Кино композициянинг асосий вазифалари. Кино санъатида композициянинг асосий вазифалари. Ракурс тушунчаси ва унинг турлари, имкониятлари. Фильмнинг умумий композицияси, эпизод композицияси, кадр композицияси, кўп кадрли композиция.

Мувозанатланган ва мувозанатланмаган композицияси. Мувозанатланган композиция. Тасвирий образ яратишда, экранда муайян эффест ва руҳий ҳолат яратишда мувозанатланган композициянинг ўрни. Мувозанатланмаган композиция. Тасвирий образ яратишда, экранда муайян эффест ва руҳий ҳолат яратишда мувозанатланмаган композициянинг ўрни. Тасвирий дискомфортдан бадиий мақсадларда фойдаланиш.

Динамик, ритмик ва диагональ композицияси. Кино санъатида композициянинг динамик композиция, ритмик композиция ва вертикал

композиция турлари, уларни куриш усуллари. Динамик, ритмик ва диагональ композициянинг бадиий имкониятлари.

Хужжатли фильмда кинотелеоператорлик маҳорати.

Операторнинг хужжатли фильмларда тасвирга олиш маҳорати. Хужжатли кинода айрим сахналаштирилган кадрларни тасвирга олишда мизансаҳна куриш техникаси ва ўзига хос томонлари. Монтажли тасвирга олиш талаблари.

Илмий оммабоп фильмда кинотелеоператорлик маҳорати.

Операторнинг Илмий оммабоп фильмларда тасвирга олиш маҳорати. Илмий оммабоп кинода айрим сахналаштирилган кадрларни тасвирга олишда мизансаҳна куриш техникаси ва ўзига хос томонлари. Монтажли тасвирга олиш талаблари.

Илмий-ўқув фильмларда операторлик маҳорати. Операторнинг Илмий-ўқув фильмларда тасвирга олиш маҳорати. Илмий-ўқув кинода айрим сахналаштирилган кадрларни тасвирга олишда мизансаҳна куриш техникаси ва ўзига хос томонлари. Монтажли тасвирга олиш талаблари.

2.3. Ривожланган давлатлар тажрибаси:

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш. Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим

технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), **case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан** ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

Амалий машғулот саволлари

1. Театр санъати тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти
2. Фаннинг предмети, мақсад-вазифалари

3. Театр санъатининг асосий йўналишлари ва жанрлари Қадимги юнон театри актёри, театр меъморчилиги ва театр томошаларини ташкил этиш
4. XIX аср охири XX аср бошларида Европа услубидаги театрнинг Туркистон ҳудудига кириб келиш омиллари
5. Аристотелнинг «Поэтика» рисоласини театр санъати тарихидаги ўрни.
6. XX аср ўзбек театрининг анъанавий ўзбек театрдан тубдан фарқланувчи омиллар
7. Жаҳон кино санъатининг илк босқичлари.
8. Кинотелеоператорлик санъатида бадиий образлилик яратиш.
9. Ўзбек Миллий кино санъатида шаклланиш жараёнлари.
10. Кино санъатида мусиқанинг тутган ўрни.

Асосий адабиётлар

1. Асеев Б. и Образцова А. Русский драматический театр – М.: Просвещение, 1976.
2. История зарубежного театра в 4 х частях под редакции Г. Н. Бояджиева, А. Г. Образцовой. – М.: Просвещение, 1981 – 1987.
3. Раҳмонов М. Ҳамза. (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи.) Биринчи китоб (1914 – 1960 йиллар). – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
4. Раҳмонов М., Тўлахўжаева М. Т., Мухторов И. А. Ўзбек миллий академик драма театри тарихи. – Т., 2003.
5. Турсунбоев С. Хорижий театр тарихи. Хрестоматия. /антик даврдан маърифатпарварлик давригача/ – Т., 2001.
6. Турсунбоев С. Хорижий театр тарихи. Мажмуа. /антик даврдан XXI асргача/ – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006.
7. Турсунбоев С. Театр тарихи. – Т.: Билим, 2005.
Хорижий театр тарихи. Қайта ишловчи ва таржимон С. Турсунбоев. 1 жилд. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

3-мавзу. Таълим сифатининг ижобий ўзгаришига хизмат қилувчи омиллар

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч,

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), **case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан** ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, инфорацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий

педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони. Санъат йўналиши бўйича таълим дастури талабаларга фақат санъатшунослик ва маданиятшуносликка оид билим бериш билан чекланмайди, балки уларда зарур куникма ва малака ҳосил қилишни ҳам ўз зиммасига олади. Ҳар бир ўқувчи дарсда олган куникма ва малакалар асосида билимларни мустақил эгаллаш зарур бўлади. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ўрта махсус ва олий таълимнинг барча бугинларида ўқувчиларнинг мунтазам билим олиши, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантиришни, ўқувчиларда меҳнат куникмалари, мустақил ижодий фикрлаш, касб танлашга ва атроф муҳитга онгли муносабатни ҳосил қилишни, миллий ва умумбашарий қадриятларини ҳурмат қилишни, ўз ватанига, халқига садоқат, меҳр муҳаббат руҳида тарбиялаш вазифалари белгиланди.

Адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008. -176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011. -440 б.
5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
6. И.А.Каримов. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.
7. И.А.Каримов. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.

4. мавзу: Санъатларнинг ўзаро интеграцияси

Санъатшунослик институтининг маданиятшунослик бўлими турли номлар билан аталиб келинди. Дастлаб «санъат тарихи ва назарияси» сектори бўлиб, унга Л.И.Ремпель раҳбарлик қилди. Кейин «Санъат назарияси ва социологияси ва уни прогностлаш», сўнг «Санъат социологияси ва уни прогностлаш» (мудири А.Сосновская), «Санъат назарияси ва эстетика» (мудири Т.Махмудов) деб аталди. 90-йилларда «Социология» бўлимига (мудири Э.Мухторов), 1993 йилга келиб эса маданиятшунослик бўлимига (мудири М.Ҳамидова) айлантирилди.

Бўлим номи унинг иш кўлами ва тадқиқотлар доираси кенгайиб борганлигини ҳам акс эттириши лозим эди. Қандай номланган бўлмасин бўлим учун тараққиёт йиллари силлиқ ўтгани йўқ. У гоҳ кенгайди, гоҳ қискарди, унинг илмий ходимлари, раҳбарлари ўзгариб турди. Лекин амалга ошириладиган тадқиқотлар нуктаи назаридан бўлим фаолият моҳияти. Тадқиқотлар алоҳида соҳа доирасидан чиқиб, маданият ходисалари, унинг туб омилларини яхлит умумлаштирувчи моҳиятига кўра хилма-хил илмий-услубий воситалар ёрдамида тушунтириб бериш, муаммоларни комплекс таҳлил этишининг назарий чегараларини белгилаб олишдан иборат бўлди.

Шу жиҳатдан олганда етмишинчи йилларнинг охирида янги сектор ташкил этилган пайтда санъатнинг айрим турлари ва жанрлари, тарихи ва назарияси, ижрочилик санъати, умуман нафис санъат жиҳатларини ўрганиш бўйича санъатшунослик институтида етарлича ижобий тажриба тўпланган эди. Бу илм билан шуғулланувчи институтнинг назарий ўзаги бўлиб

коладиган маҳсул бўлимни тузиш ғоясини ўртага ташлади. Дастлабки йиллардан янги бўлимга заковат ва билим соҳиби Ўрта Осиё санъати назариясининг тамал тошини қўйган Л.И.Ремпель бошчилик қилгани бежиз эмас.

Л.И.Ремпельнинг илмий асарлари бўлғуси бўлимнинг илк пойдеворини қўйишга асос бўлди ва унинг илмий истиқболини белгилаб берди. «Панжара» (Халқ амалий санъати. –Т., 1957.), «Ўзбекистон меъморчилик нақшлари. Ривожланиш тарихи ва тузилиши назарияси» (–Т., 1961.), «Ўзбекистон санъати тарихи қадим замонлардан XIX аср ўрталаригача» (ҳаммуаллиф Г.Пугаченкова. –М., 1965.), «Рус санъати ва Шарқ тарихий маданий ва бадиий муаммо сифатида» (–Т., 1969.), «Афросиёбнинг ўйма нақшлари» (Ҳаммуаллиф Э.Аҳроров. –Т., 1971.), «Ўрта Осиё санъати ёдгорликлари» (ҳаммуаллиф Г.Пугаченкова. –М., 1978.), «Ўрта Шарқ санъати» (Санъат назарияси ва тарихига оид танланган асарлар. –М., 1979.) каби тадқиқотлари юқорида айтилганидек бўлимнинг илмий йўналиши, келажagini кўрсатди.

Л.И.Ремпельнинг шогирдлари ва маслакдошларидан бири фалсафа фанлари доктори, профессор Тилаб Маҳмудовдир. У санъатшуносликнинг эстетика, фалсафа ва тасвирий санъат соҳаларида тадқиқотлар олиб боргани учун бўлимга асос солинган кунданок унинг заҳматкашларидан бирига айланди. Т.Маҳмудовнинг «Санъатни эстетик таҳлил этишнинг услубий масалалари» (ҳаммуаллиф А.Петров. –Т., 1984.), «Ўзбекистон санъатида инсон концепцияси» (–Т., 1988.), «Эстетика ва маънавий қадриятлар» (–Т., 1993.) монографияларида бадиий асарларни баҳолашнинг фалсафий мезонлари, мустақиллик шароитида санъатни, жамиятнинг маънавий ҳаётини ўрганишнинг методологик жиҳатлари чуқур ўрганиб чиқилган. «Санъаткор истеъдоди ва жамият» (–Т., 1971.), «Эстетика ва маънавий қадриятлар» (–Т., 1993.) китобларида ижод фалсафаси ва психологияси масалалари тадқиқ этилган. Бунда муаллиф бадиий қобилият ривожининг тарихий қонуниятларини, санъаткор ва жамият, сиёсат ва маданият каби тушунчаларнинг ўзаро муносабатини тадқиқ этган. «Ўзбекистон рангасвир эстетикаси» (–Т., 1983.), «Абдулҳақ Абдуллаев» (–Т., 1982.) монографиялари ва бошқа бир қатор мақолаларида Т.Маҳмудов замонавий бадиий жараёнини яхлит таҳлил этади, унинг тараққиёти йўналишлари ва истиқболларини очиқ беради. Э.Юсупов билан ҳаммуаллифликда ёзилган «Маънавий юксалиш чўккилари сари» (–Киев, 1981.) асарида у ўзини Ўзбекистон бадиий маданиятининг ажойиб тарғиботчиси сифатида кўрсатди. Олим сифатида илмий қизиқишлар доирасининг кенглиги, даврни нозик ҳис этиш, бадиий-

эстетик воқеликни чуқур англаш, уларни илм этикаси нуктаи назаридан баён қилиш Т.Маҳмудовга хос хусусиятлардир.

«Санъат тарихи ва назарияси» шўъбасида кам сонли ходимлар илм билан шуғулланган бўлишига қарамай (Л.И.Ремпель, Т.Маҳмудов, Э.Эшонқулов, У.Валиев, кейинроқ А.Сосновская ва бошқалар), кўп ўтмай салмоқли илмий маҳсулот бера бошлади. Э.Эшонқулов «Ижодий жараёнда дунёқарашнинг роли» мавзuida номзодлик диссертациясини ёклади, А.Сосновская киносанъаткорлар ҳақида китоб ёзди, Н.Зайко Тошкентнинг уруш йилларидаги бадиий ҳаётини, И.Коптелова Ўзбекистондаги ёшлар маданиятини ўрганди. Кейинчалик, уларнинг сафига Ўзбекистон тасвирий санъатининг 1970-1980 йиллардаги аҳволини ўрганган Р.Эргашев, Тошкентнинг оммавий горизонтал коммуникациялари ва филармония концертларини уларнинг социологик мазмуни нуктаи назаридан тадқиқ этаётган А.Семеркин, Ю.Презумент, ўзбек ёшларининг маънавий эҳтиёжларига мурожаат этган А.Зоитов сингари аспирантлар келиб қўшилдилар. Бўлим ўтган аср 90-йилларнинг бошларида санъатнинг эмпирик (амалийлик) социологиясига диққат-эътиборини қаратди. Тошкент бадиий ҳаётини ўрганишга доир кенг қамровли анкета тайёрланди. Унинг ёрдамида томошабинлар, театр, мусиқа, адабиёт, архитектура, тасвирий санъатга оид қизиқишлар, бу санъатларнинг шакл, жанрларига бўлган эътибор, ўтмишдаги ва ҳозирдаги бадиий маданиятнинг у ёки бу ҳодисалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши керак эди.

1991 йилда мустақиллик туфайли янги ижтимоий муҳитни ўрганиш даври бўлди. Илмда янги тафаккур ва таҳлил қилиш усулларини талаб қилган янги дунёқараш шакллана бошланди. Яна фан санъат ва томошабин эҳтиёжларини илмий ўрганишга киришди.

Бугунги кунда маданиятшунослик бўлимининг илмий изланишлари доираси кенгайди, уларнинг назарий ва амалий мазмуни чуқурлашди. Алоҳида фанлар ҳамда турдош фанлар тажрибаларидан фойдаланиб келаётган маданиятшуносликнинг бошқа фанлар (психология, педагогика, иқтисодиёт, фалсафа, филология кабилар) билан интеграциялашув жараёни рўй берди. Бўлим ходимларининг кейинги йилларда эълон қилинган ва қўлёзма асарлари бунга далилдир.

Булар жумласига фалсафа фанлари доктори Т.Маҳмудовнинг «Эстетика ва маънавий кадрятлар» монографияси, санъатшунослик доктори М.Ҳамидованин «Ҳалима Носирова», «Миллий мусиқа саҳнаси поэтикаси», санъатшунослик номзоди В.Чуховичнинг «Ёш рассомларнинг жонли

дунёси», санъатшунослик номзоди С.Ғуломованинг «Ёшлар ва 90-йиллар бадиий маданияти», Г.Иброҳимованинг «Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичдаги маънавий маданияти. Ривожланиш йўналишлари», Т.Ўлдошевнинг «Саҳна томошаси ва уни томошабинлар идрок этиши», Р.Назаровнинг «Ўзбекистоннинг кам сонли миллатлари маданияти», Б.Абдурахимовнинг «Маданият инвестициялаш объекти сифатида» каби илмий асарлари ва мақолалари, шунингдек, Ўзбекистондаги бадиий ҳаёт ўзгаришларини таҳлил этишга бағишланган маърузалар, радио ва телевиденидаги чиқишлар кабиларни киритиш мумкин.

Маданиятшунослик соҳасида талай ишлар қилинган бўлса-да, бўлим хали ўзининг мустақил бўлинима сифатидаги ҳуқуқини ҳимоя қилиши, келажак ҳақида ўйлаши керак бўлади. Бунинг учун, афтидан, маданиятшунослик соҳасига чуқурлашув, ўта оғир вазифалар қўймаслик, қамраб ололмайдиган масалалар билан ўралашиб қолмаслик керакка ўхшайди.

Бунда мавзуларни майдалашиб кетмаслигига эътибор бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Негаки, бадиий маданиятнинг турли элементлари, санъат турларининг ўзаро таъсири, мафкура, этика, эстетика, мифология, ахлоқ кабилар билан алоқаси маданиятшунослик муаммолари мажмуининг ўзаги ҳисобланади.

Ўзбек мусикали драмасида хонанда – актёрнинг ўрни юзасидан бир қатор қарама-қарши фикрлар пайдо бўлган, улар ижодий амалиётда ҳам баъзи тортишувларга сабаб бўлиб, жанрни илмий-назарий талқинида чалкашликларга олиб келди. Зеро ҳар қандай мусикали драма асарининг мазмунини инсон, унинг ҳис-туйғу ва ўй-хаёлларининг мураккаб дунёси ташкил этади. У саҳнада яшайди, ҳаракат қилади, воқеаларнинг бевосита иштирокчиси сифатида, уларга баҳо беради. Ҳар бир алоҳида образнинг, шу билан бирга бутун спектаклнинг бадиий-ғоявий моҳияти инсоннинг бошқа кишилар, атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларида, тўқнашувларида намоён бўлувчи динамикасида, характерининг узлуксиз диалектик ривожланишида очиб берилади. Мусикали драма саҳнасида бу вазифани кўшиқчи-актёр бажаради. Шунга кўра спектаклнинг концепциясини ишлаб чиқишда у муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек мусикали драмасида кўшиқ жанрнинг ва актёр ижросининг асосий жиҳати ҳисобланади. Кўшиқ саҳнавий жараёнини ифодаласагина драматургиянинг ажралмас қисми бўлади. У ўзининг мустақил санъатлигини

йўқотиб, бошқа санъатлар билан бирга драматургик йўналишга сингиб кетади ва яхлит асар қиёфасини ташкил этади.

Вокал мусикаси драматургия хусусиятлари, характерлар тўқнашуви, ечими, асарнинг умумий оҳанги билан белгиланиб, образ яратувчи, сахна воқелигини боғланувчи, уйғунлаштирувчи, умумлаштирувчи воситаларга хизмат қилади. Демак, у драматургиянинг фаол, таъсирчан ифодавий-тасвирий кучи ва ғоясини идрок этади, монолог ва диалогларда қаҳрамонларнинг хиссиётларини очиб беради.

Кўшиқ мусикали драма асарига жўшқинлик, романтик йўналиш бахш этади. Драматургик вазифаларини бажармаган ҳолда, у сахнавийлик хусусиятини йўқотади ва мустақил вокал номерига айланиб қолади. Кўшиқчи-актёр асар қаҳрамонининг ички дунёси, фикр-ўйлари тизимини ташкил этиб, шу билан бирга ғоявий ва психологик юкни ҳам ташиydi. Образ драматик санъат, ашула, ракс, сахна ҳаракати каби ўзаро уйғун бўлган ижро жиҳатлар занжири орқали амалга оширилади. Кўшиқ ва кўшиқчи-актёрнинг вазифаси ҳам ҳеч қачон драматургик жараён ривожига тўсқинлик қилмаслик, аксинча, тўқнашувларнинг чуқур илдизларини очиб бериш, образ руҳиятига кириб боришга, характер эволюцияси мантиғини яратиш кабилардан иборат бўлмоғи керак. Афсуски, мусикали драма амалиётида вокал мусикаси кўпинча қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ёритувчи муҳаббат, лирик жиҳат сифатида берилади. Кўп ҳолларда у севги-муҳаббат мазмунидаги сахналардан иборат бўлади.

Кишининг воқеаларга муносабатини билдирувчи, унинг қалбини очиб берувчи хонандалик санъатига ҳозирги пайтда эҳтиёж ўсиб бормоқда. К.С.Станиславский ва В.И.Немирович-Данченколارнинг сахналаштирган мусикали асарлари адабиёт ва мусика уйғунлигига ижодий ёндашишнинггина эмас, балки сахна хонандалиги қонунларини билишнинг ҳам ёрқин намунаси ҳисобланади. Таниқли немис новатор режиссёри В.Фельзенштейн «Туйғу ва фикрга тўла товушгина ҳақиқатгўйдир ва айнан шу нарса драматикдир» деб ҳисоблайди.

Ҳозирги жаҳон режиссураси мусикали сахна асарлари устида ишлашнинг турли усул ва методларига эга. Драма театри режиссёрларининг опера ва мусикали театр режиссураси соҳасидаги фикрлари диққатга сазовордир. Л.Ротбаум, Эдуардо де Филиппо, В.Фельзенштейннинг опера постановкалари жозибадорлиги билан эътиборни тортди. Улар драматик сахна қонунларини мусикали сахнага олиб кирдилар. Бунинг натижасида ушбу жараён тарафдорлари ташаббускорлигини кучайтириб, соҳа

мухолифлар қаршичилигини ҳам ошириб юборди. Мусикали театр режиссураси амалиёти ҳам сахна қўшиқчилиги масалаларини ҳал қилишдаги изланишлари жадал амалга ошаётганлигидан далолат беради. Лекин бу билан ҳам анъанавийликдан воз кечишга илож бўлмади. Анъанавий опера режиссураси хонандани мизансаҳналардангина халос қилиб қолмай, балки унинг санъатини чекловчи омиллардан, роль психологиясига чуқур кириб бориш билан боғлиқ вазифалардан ҳам озод этиб, янада кўпроқ анъанавий шаклчилик услубига боғлаб қўйди. Янги режиссура эса мизансаҳналарни сунъий фаоллаштириш йўлидан борди. Иккала ҳолда ҳам муаммога бир томонлама ёндашиб, театрнинг ҳозирги ютуқлари камситилди, фақат режиссура асосий мақсадга айланиб қолди. Мизансаҳналар кетидан қувиш, замонавий режиссёрлик қонунларини очиқ қабул қилмаслик натижасида кўпинча хонанда актёрнинг мусикали спектакль концепциясидаги ўрни ва аҳамияти, биринчи навбатда мусика партитурасини, сахна қўшиқчилиги мазмуни ва эстетикасини яхши билиши лозим бўлган режиссуранинг роли унутилади.

Мусикали сахна асарларини тайёрлаш жараёнида пайдо бўладиган барча муаммоларга жанр табиатининг ўзи, унинг мусикаси, сўз ва оҳангларда ифодаланган ҳиссиёт-у, фикр-ғояси жавоб беришга кўмаклашади. Нега инсон овози, бадиий қўшиқчилик опера жанри спецификасини ташкил этади, деган савол туғилади? Гап шундаки, композиторлар ўз дунёқарашини, орзу-идеалларини, ҳис-туйғуларини, шахсий муносабатларини, қадриятларини хонандалик орқали тасвирлашга интиладилар, улар вокал санъатини олам билан мулоқотда бўлишнинг олий эстетик шакли деб ҳисоблайдилар. Инсон овози сахнавий образ ибтидоси бўлиб, ҳаракат хусусиятини идрок этади. Шу сабабли ҳам ҳозирги сахна қўшиқчилигининг бадиий мезонларидан бири маъноли, ифодали ижро бўлиб, у фақат опера асарининггина эмас, оперетта, мусикали драма жанридаги спектаклларнинг ҳам асосини ташкил қилади.

Сахна образининг ғоявий ва бадиий тўлақонлиги ижрочининг драматик ва вокал маҳоратини стилистик яхлитлигига боғлиқдир.

Ўзбек мусикали драмасида хонанда-актёр муаммоси ўзининг узоқ тарихига эга. Жанрнинг синтетик табиати драматик, қўшиқчилик ва рақс санъатига таянган актёр ижрочилигида органик синтез сифатида белгиланади.

Жанр шаклланишининг дастлабки даврларида актёрларда ижрочилик қобилияти мажмуасигина бўлиши кўзда тутилган эди. Улар ўз табиий салоҳияти ва қобилиятини намоён қилган ҳолда қўшиқ

айтарди, сўзларди, образ яратарди, рақсга тушарди. Фақат, сўз ва ҳаракатгина эмас, балки мусиқа ҳам муҳим ўрин тутган. «Ҳалима» мусиқали драмасидан бошлаб ижрочилик воситаларини уйғунлаштириш жараёни бошланди.

1920 йилда драма труппаси жамоасининг етакчи актёрлари А.Ҳидоятлов ва М.Қориева ҳали профессионал ижро маҳоратига эга бўлмай туриб, ижодий вазифаларини ўз ихтиёрларидаги воситалар ёрдамида эришишга уриниб кўрдилар. Москва театр студиясини тугатган драма актрисаси Т.Саидазимова ёрқин, ифодали овоз соҳиби бўлганлиги туфайли ижрочилик малакасини янги босқичга – профессионал даражага кўтарди. Т.Саидазимованинг санъати бундай синтез натижасида ҳақиқий эстетик жиҳат касб этди ва ўзбек мусиқали драмаси ривожига катта улуш қўшди.

1929 йилда ташкил этилган Ўзбек мусиқали театрида бадий образнинг мусиқа – вокал – рақс уйғунлиги жиҳатлари изланди. М.Қориёқубов, Тамарахонимлар қаҳрамонлар характери талқинида хонандалик санъатини аҳамиятини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтардилар. Миллий-бадий анъаналарини ва тараққий топган театр-мусиқа маданиятларининг илғор тажрибасини ўзлаштириш натижасида ўсиб борган ўзбек мусиқали театри сахнада таъсири, ишонарли, ҳаётий тўлақонли образлар яратишни ўзининг асосий мақсадларидан бири сифатида қабул қилди ва галдаги босқичга қадам қўйди. Махсус вокал сабоғини олган хонандаларнинг, жумладан, Б.Мирзаев, Ҳ.Носирова, К.Зокиров сахнада яратган образлари бадий-эстетик яхлитлик ва теран психологик талқин билан ажралиб турарди.

1939 йилда Ўзбек давлат мусиқали театри жамоаси иккита гуруҳга бўлиниб, ҳар биттаси мустақил ижодий ҳаётга қадам қўйди. Мусиқали драма жанри Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри елкасига юкланди. Спектаклнинг марказий сиймоси бўлиб қолган қўшиқчи актёрнинг ўрни сахнада янада мустаҳкамланди ва ушбу муаммога қизиқиш янада ортди. Мусиқали театрнинг ижодкорлари жанрнинг бойитиш йўллари, унга ўзига хослик бахш этувчи ва шу билан бирга умумлашма фикрларни ҳал қилишга имкон берувчи янгидан-янги замонавий бадий воситалар ҳақида жиддий ҳамда чуқур ўйлашлари керак эди.

Сахнадаги изланишлар жадал ва кўп қиррали тарзда олиб борилди. Шу билан бирга чуқур психологик, эмоционал хусусиятга эга бўлган санъатга интилиш кучайди. Муқимий номидаги театр замонавий психологик изланишлари руҳида бир қатор тарихий, замонавий, афсонавий мавзудаги асарларни сахналаштирди. Хусусан, «Муқимий», «Нурхон», «Равшан ва Зулҳумор», «Олтин кўл», «Ватан ишқи», «Момо ер», «Қонли тўй», «Жоним

фидо» спектакллари галдаги жараёни энг яхши тамойиллари ўзбек мусикали драма театри сахнасида ўз ифодасини топаётганини кўрсатди. Ушбу спектакллардаги теран психологизм, романтик кўтаринкилик, метафорик театрнинг жўшқинлиги уларнинг муваффақиятини таъминлади, актёрлик санъатининг энг муҳим хислатларини белгилаб берди.

Спектаклдаги кўшикнинг, мусиканинг ўрни билан боғлиқ кўпгина муаммолар Ўзбекистон Композиторлар уюшмасининг пленумида таҳлил этилган. Ана шу муаммоларнинг амалиётда ҳал этилишида шу нафақат театр жамоаси, балки композиторлар ижоди, хонанда-кадрлар тайёрловчи олийгоҳлар билан боғлиқдир.



5-Маъвуз: Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари

Санъатшунослик йўналиши бўйича таҳсил олаётган тингловчи амалиётдан, унинг ижтимоий функциялари, жанрлар тизими ва ижодий услубларидан хабардор бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Маданият, санъат соҳаларидаги ижодий жараёнларни ОАВ да ёритиш ва номоддий миллий қадриятларни тарғиб этишда санъатшунослик муҳим ўрин тугади. Шундай

экан, танланган муайян йўналиш бўйича (театр санъати, кино, ТВ, радио, муסיқа ва б.) диссертация ёзаётган соҳа мутахассислари замонавий бадий жараёнда қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда санъат соҳалари тарихини, ривожланишига хос ижтимоий-маданий динамикасини таҳлил эта билишлари, ўз фикр-мулоҳазаларини муқобил жанр ва форматдаги журналистик асар сифатида ОАВ тизимида намоён этиш маҳоратига эга бўлишлари муҳим.

Бугунги кун санъатшунослик мутахассислар учун катта муаммо бўлиб турган жиҳат ҳам айнан назария билан амалиёт ўртасида узилиш мавжудлиги билан изоҳланади.

амалий ва мустақил таълим машғулоти оралиқ ўқитилади. Маърузалар оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи, санъат билан боғлиқлиги, вазибалари, бу соҳаларда ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини илмий – назарий нуқтаи назардан ёритиб беради.

Амалий машғулотлар талабаларни таҳлилий материаллар, санъат асарларига тақризлар, телевидение ва радио учун сценарийлар ёзиш, санъат бўйича дастурларни олиб бориш маҳоратини эгаллашга йўналтиради.

6-мавзу: Санъатшунослик фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши

Санъатшунослик санъат турларининг тарихи ва назариясини ўрганувчи фан. Мустақил илмий йўналиш сифатида санъатининг умумий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда XX асрда шаклланган.

Санъатшунослик дастлаб, асосан драма театрлари фаолияти билан боғланган бўлса, кейинчалик опера ва балет, оперетта, муסיқали драма, болалар театри, кўғирчоқ театри, театр таълими, сахна нутқи, декорация санъати, театр либоси ва пардози, сахна ҳаракати, ҳаваскорлик театри соҳалари ва йўналишларини ўз ичига олади. Театршунослик куртаклари Шарқ ва Ғарб мамлакатларида умуман санъатини шаклланиши ва тараққиёти билан боғлиқ ҳолда турли даврларда, кўп ҳолларда тарих, фалсафа, адабиётшунослик фанлари ичида вужудга келиб, мукаммаллашиб борган. Бутун санъат турларини амалиётини назарий жиҳатдан умумлаштириш Юнонистон, Рим, Ҳиндистон, Хитойда пайдо бўлган. Аристотелнинг «Поэтика»си санъат, жумладан, драма ва театр назарияси бўйича биринчи тажрибадир. Ғарбий Европада драматургия ва театр санъатини тадқиқ этиш Уйғониш даврида антик даврда яратилган қўлёзмаларни ўрганишдан бошланган.

Англияда XVI асрда гуманистлар театр санъатининг ахлоқий тарбиядаги ўрни, эстетик аҳамиятини ёқлаб бир қатор илмий асарлар ёзишган. Алоҳида

йўналиш сифатида драма назарияси ривожланади. XVIII асрда театр танқидчилиги ҳам ривожлана бошлайди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Англияда театршуносликнинг илмий услуб ва тамойиллари қарор топади. Германияда театршуносликнинг илмий пойдевори XVIII қўйилди: И.К.Готшед тадқиқотларидан бошланди. XVIII аср охири ва XIX аср бошида Гёте ва Шиллер театршунослик тараққиётига муҳим ҳисса қўшди. XIX асрнинг иккинчи ярмида кўплаб Театршунос ишлари, мемуарлар, библиографик манбалар нашр қилинди. 1990 йиллардан Бонн ва Лейпциг унтларида махсус Театршунослик курелари ўқитилиб, Кёльн ва Килда Театршунослик илмий тадқиқот институтлари иш бошлади. 1902 й. Берлинда театр тарихини ўрганиш жамияти тузилади. Францияда Театршунос ёзувчи ва файласуф Д.Дидро асарларида (XVIII аср.) ёрқин кўринди. XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларида театр тарихи, драматургия ва актёрлик санъати буйича фундаментал тадқиқотлар яратилди. 1933 й.да Францияда театр тарихи жамияти тузилди. Россияда XIX асрда П.И.Сумароков, А.Пушкин, Н.Гоголь, В.Белинский ва бошқалар Театр санъати ривожига катта ҳисса қўшдилар. 1939 й. Петербургда Театр, мусиқа ва кинематография институти иш бошлайди. XIX асрнинг 60—80 йилларида мазкур даргоҳларда бир қатор ўзбек театршунослари номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишган. Собиқ иттифок доирасида бошқа миллий театрлар қаторида ўзбек театри бўйича ҳам монография ва мақолалар эълон қилинган. Бу ўринда О.Олидор (Кайдалова), М.Григорьев кабиларнинг хизматлари алоҳида. Ўзбекистонда Театршунослик мустақил фан сифатида XX асрнинг 50 йилларида шаклланди. Бунда ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ўрни катта. Институт малакали театршунос кадрларни тайёрлаб етиштира бошлаши билан этнография, адабиётшунослик доирасида тетапоя қила бошлаган илмий йўналиш профессионал йўлга чиқиб олди. Бироқ Театрнинг дастлабки кўринишлари Фурқат, М.Бехбудий ва бошқаларнинг маърифатчилари томонидан 1914 йил Тошкент, Самарканд ва бошқа шаҳарларда театр жамоалари таркиб топиб, халқ маданий ҳаётидан ўрин ола бошлаши билан, театр танқидчилиги ҳам пайдо бўлди.

Мирмулла, Мирмуҳсин Шермухамедов, Фитрат, Ғ.Юнус, С.Ҳусайн, Чўлпон, С.Сиддиқ каби танқидчилар аниқ спектаклларга тақриз ёзиш билан чекланмай, театр жараёни, тажрибаларни умумлаштиришга киришадилар. Шу тариқа Т.нинг дастлабки кўринишлари майдонга келади. 1920 йиллардаёқ Театршуносликда икки йўналиш кўзга ташланади: бири — анъанавий театр тарихини ўрганиш (Ғ.Зафарий ва б.), иккинчиси — янги театр тажрибаларини умумлаштириш (С.Ҳусайн, Чўлпон ва б.). 1929 й.да С.Ҳусайннинг «Ўзбек театри» тўплами, 1935 й.да М.Солиҳовнинг «Ўзбек

театри тарихи учун материаллар» китоби босилиб чиқди. 40—50 йилларда театр тарихини ўрганишга асосан икки ташкилот — Санъатшунослик илмий текшириш институти, Театр ва рассомлик санъати институти қошида ташкил топган театр ва хореография бўлими (1940) ва театршунослик кафедраси ходимлари томонидан олиб борилди. Театршуносликнинг кейинги тараққиётида шу институтни битириб чиққан М. Раҳмонов, М. Қодиров, Т.Баяндиев, Ф.Жўраев, Л.Авдеева, Т.Турсунов, В.Дьяченко, С.Турсунбоев, Т.Исмоиловлар театр тарихига оид турли мавзуларда тадқиқот ишлари олиб бордилар. Бу ишга Москва театр санъати институтини тугатган Х.Д.Устабоева, А.Рибник, Я.Фельдман кабилар ҳам ўз хиссаларини қўшдилар. 50—80 йиллар анъанавий ва янги ўзбек театри тарихи бўйича манбалар тўплаш ва уларни тартибга солиш авж олди. «Ҳамза номидаги театр» (ўзбек ва рус тилида, 1957), М.Раҳмоновнинг «Ҳамза ва театр» (ўзбек ва рус тилида, 1958), Я.Фельдманнинг «Характер народа и сценические образы» (1962), М.Қодировнинг «Ўзбек халқ оғзаки драмаси» (1963), муаллифлар гуруҳи тайёрлаган «Узбекский советский театр» (1966), С.Турсунбоевнинг «Андижон театри» (1970) китоблари шулар жумласидан. Т.Турсуновнинг драматургия тарихи, Т.Баяндиевнинг қорақалпоқ театри тарихи бўйича тадқиқотлари босилди. Кейинчалик М. Раҳмонов, М. Қодировларнинг монографиялари туфайли Ўзбекистон ҳудудидаўтмишда анъанавий театр узлуксиз фаолият кўрсатиб келганлиги исбот қилинди. Театршуносларнинг иккинчи бўғини Т.Изломов, Э.Мухторов, М.Тўлахўжаева, М.Ҳамидова, Е.Панова, Т.Йўлдошев, И.Раҳимжонов, Н.Зоҳидова, Н.Ким, Р.Азизова, Ҳ.Икромов, К.Умурзоқовлар актёрлик санъати, режиссура, мусиқали драма жанри, драматургия, болалар театри, сахна нутқи соҳаларида илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар. С.Қодирова, С.Ахмедов, О.Ризаев, Д.Рахматуллаева, Ш.Ризаев, Н.Қурбонбоева, О.Тожибоева, Б.Шодиевлардан иборат театршуносларнинг учинчи бўғини ҳам Театршунослик фани методологияси ва ютуқларига таянган ҳодда театр санъатининг турли йўналишларида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Театршунослик фани ичида рақсшунослик ва циркшунослик таркиб топди. Дастлаб рақс санъатини Ғ.Зафарий билан этнограф Ираида Вахта ўрганишга ҳаракат қилдилар. Мусиқашунос Е. Романовская ҳамкорлигида Фарғона мумтоз рақси «Қатта ўйин» ёзиб олинди. Лекин ҳақиқий рақсшуносликнинг пайдо бўлиши Любовь Авдеева номи билан боғлиқ. Унинг «Тамара Ханум» (1956), «Мукаррама Тургунбаева» (1958), «Ўзбекистон рақс санъати» (рус ва ўзбек тилида, 1963, 1966), «Балет Узбекистана» (1973) монография ва ижодий портретлари нашр этилган. Розия Каримова «Ферганский танец» (1973), «Хорезмский танец» (1975),

«Бухарский танец» (1977) номли китобларида ўзбек анъанавий ракс санъатининг асосий йўналишларига хос ракс ҳаракатларини тизимли баён этган ва шуларга таянган ҳолда «Танц ансамбля Бахор» (1979), «Танц Равии Атад-жановой» (1983), «Узбекские танц в постановке Исахара Акилова» (1987) Ўзбек цирки тарихини ўрганиш бўйича Тўлқин Обидов (1933—1997) нинг хизмати катта. Унинг «Дорбозлар қиссаси» (1963), «Мастера узбекского цирка» (1973), «Арена Акрама Юсупова» (1976), «Ўзбек полвонлари» (1979) рисоалари ва айниқса, «Традицион цирк в Узбекистане. Генезис и эволюция» мавзuida Москвада химоя қилган диссертацияси (1990) циркшуносликнинг таркиб топишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. XX аср цирк тарихини ўрганишда Пўлат Тошканбоевнинг ишлари эътиборлидир. Мустақиллик даврида демократик ғоялар, миллий ғурур, Ватан туйғусининг кучайиши театршуносларни анъанавий театр тарихига алоҳида эътибор бериб, мавжуд кемтикларни тулдиришга, XX аср театр тарихини қайта кўриб чиқиш, уни узлуксиз тарихий жараён сифатида қарашга даъват этди. Томоша санъати, байрамлар тарихини ўрганиш сезиларли даражада ўсди. XX аср ўзбек театрини яхлит ҳолда тадқиқ этишда М. Раҳмонов, М. Қрдиров, Э. Мухторов, М. Тўлахўжаева, Т. Исломов, М. Ҳамидова, С. Кодирова, Д. Раҳматуллаева, Е. Панова ва б.нинг ишлари эътиборли бўлди. Айниқса, М. Раҳмоновнинг 2000 й. Ўзбек миллий академик драма театри тарихининг биринчи китоби нашр қилиниши, М. Раҳмонов, М. Тўлахўжаева, Э. Мухторов томонидан шу тарихнинг иккинчи китоби нашрга тайёрланиши Театршуносликда катта воқеадир. Шунингдек, Л. Авдеевнинг «Бернора Қориева» (1995), «Ўзбек миллий ракси тарихидан» (Ўзбек ва рус тилларида, 2001), Л. Авдеева, М. Қодиров, Ю. Исмаатоваларнинг «Танавор ракси жилолари» (Ўзбек ва рус тилларида, 2002), Р. Каримованинг «Ўзбек рақслари» (2003) китоблари рақсшуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Театршунослар бевосита мустақиллик йилларида театр санъатида юз берган ўзгаришларни, оқим ва тенденцияларни чуқур ўрганиш, истиқболини белгилаш ишига ҳам муҳим ҳисса қўшмоқ.

7- Мавзу: Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши

“Санъат таълими тизимининг яқин тарихи шуни англатадики, санъат ва маданият соҳаларига кадрлар тайёрлаш масаласи ҳар бир даврда ўзига хос ёндошувни талаб қилган. Бу борада баъзи хулосаларга келиш, бугунги кун ва эртанги истиқболини белгилаб олиш учун санъат олийгоҳларининг кечаги кунига бир бор назар ташлаш фойдадан холи бўлмас.

1945 йили Тошкент Давлат санъат институти номи билан ўз фаолиятини бошлаган олийгоҳ олдидаги асосий вазифа Ўрта Осиё республикаларининг миллий ва рус театрлари, киностудиялари учун актёр ва режиссёр; санъат назариясини яратиш, санъат муассасаларининг ижодий фаолиятини илмий таҳлил этиш мақсадида театршуносларни тайёрлашдан иборат эди.

Институт дастлаб Тамарахоним номидаги Балет мактаби биносига жойлаштирилиб, 1947 йилда ўз биносига эга бўлди. 1948 йили унга А.Н.Островский номи берилиб, институтда янги -мусикали драма факультети очилди. Ўзбек мусикали драма театрлари учун махсус таълим олган кадрларни етказиб бериш зарурати шуни тақозо этган эди. 1953 йили эса юкоридагилардан ташқари рассомлик факультети ҳам қўшилиб театр ва рассомчилик институтига айлантирилди.

Фаолиятини уртагина мутахассис тайёрлашдан бошлаган институт салкам 70 йил давомида кўламини тобора кенгайтириб борди. Нафақат Ўрта Осиё, балки уйғур, корейс, грек театрлари учун ҳам мутахассислар тайёрлашга ўзининг самарали ҳиссасини қўшди. Санъат соҳаси ривожидида асосий юкни ўз елкасида кўтарган олий ўқув юрти ўз даврининг етакчи илм ва таълим бериш даргоҳи сифатида ном қозонди, нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг турли бурчакларига тарқалган санъаткорларни етиштириб берди.

Тошкент театр ва рассомчилик институти, унинг илмий ва ижодий мактаби шаклланиши ва йиллар давомидаги тараққиётида таниқли олимлар, санъа арбоблари, жумладан М.Верхацкий, А.Эфорс, М.Григорьев, Н.Минц, М.Морозов, Г.Гоян, Л.Ремпель, В.Рыфтин, О.Татевосян, С.Мухамедов, М.Уйғур, Е.Бобожонов, О.Хўжаев, С.Эшонтўраева, Н.Раҳимов, М.Раҳмонов, А.Рыбник, Ҳ.Абдуллаев, Х.Устабекова, Я.Фельдман, А.Гинзбург, И.Радун, И.Вальденберг, Ш.Маъзумова, Н.Алиева ва бошқалар фаол қатнашдилар.

Инсон онги, дунёқараши, турмуш тарзини янгиламай туриб жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Ҳозир энг асосий вазифамиз ёшлар онгида соғлом фикрлаш, кадриятларга хурмат туйғуларини сингдира билишдир. Шунингдек, дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, ёшлар онгини захарлаш учун таҳдидлар авж олган бир даврда ҳали ўзининг қатъий фикри ва позициясига эга бўлмаган, доно халқимиз тили билан айтганда “суяги қотмаган”, ҳаёт тажрибалари етарли бўлмаган ёш авлодни турли зарарли оқимлардан, таҳдидлардан нафақат асраш, балки уларда бундай иллатларга қарши курашиш иммунитетини ҳосил қила билиш, мустаҳкамлаш ғоят

муҳим вазифамиз, кун тартибимизнинг асосий масаласи бўлмоғи керак. Буни ҳар бир раҳбардан тортиб то педагоггача ўзининг олий мақсади деб билмас, ҳаётий зарурат сифатида қалбига сингдирмас экан, биз ўз мақсадимизга етишимиз мумкин эмас.

Мақсадларимиз йўлида ҳар бир ўқув предметларидан, у хоҳ назарий, хоҳ амалий бўлсин, санъат олийгоҳида сабоқ берувчи педогог нафақат профессионал билимга, маҳорат ва кўникмага бўлиши, балки шу билан бирга ўз касбини севадиган, фидойи, мустақиллик мафқурасини чуқур англайдиган малакали мутахассислар бўлишига эришишга ва келажакда узилишларнинг олдини олиш учун уларни узлуксиз равишда тайёрлашга интиломқдамиз.

Биз санъат ва маданиятнинг турли ирмоқларига кадрлар тайёрлар эканмиз, бу жабҳаларнинг бугунги кундаги энг долзарб муаммоларини теран илғаб олишимиз муҳим. Бугунги кун жараёнлари шуни кўрсатадики, бир қатор ютуқлар билан бирга оғриқли нуқталаримиз ҳам етарли. Драматургия, актёрлик санъати, режиссура, санъатшунослик соҳаларида тубдан ўзгариш, кескин бурилиш, керак бўлса “инқилоб” қилиш, янгидан–янги ифода воситалари излаш вақти келди. “Ифоданинг ўзига хослиги барча санъатлар ибтидоси ва интихосидир”, [6] - дейди немис файласуфи И.В.Гёте. Бундай изланишларни айнан институтдан, санъат йўлининг “биринчи бекати”дан бошлашга киришганмиз.

Айни кунларда институтда 1500 нафарга яқин талабаларимиз 20 дан ортиқ таълим йўналиши ва магистратуранинг 8 мутахассислиги бўйича таълим олмоқдалар. Асосий вазифамиз юксак малакали, етук, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш экан, биз аввало муаммоларни бартараф этиш учун олиб борилаётган ишларни тизимли равишда йўлга қўйишга интиломқдамиз. Бу борада давлат таълим дастури йўналишлари мукамал бажарилишидан ташқари илғор хориж олийгоҳлари тажрибаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Шунингдек санъат ва маданият соҳаларининг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда таълим беришнинг индивидуал шахс – санъат ва маданият кишисини тайёрлашга мўлжалланган технология ва дастурларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилмоқда.

Ўтган икки йил давомида дунёнинг ривожланган мамлакатларидан таширф буюрган Ник Паул (Буюк Британия), Тайлор Кеннеди, Метиус Хюс, Марк Дакаскас, Питер Эльман (АҚШ), Жан А Чен (Хитой), Олег Ужинов, Алексей Рязанцев, Сергей Соловьев, Искандер Аминов (Россия), Жан Клод Кунер, Нина Мазур (Германия), Томио Куряма (Япония), Елена Лиопа (Беларусия), Мира Гавьярова (Чехия), Региз Гезельбаш, Грег Жермен

(Франция), Адель Яраги (Эрон) каби режиссёр, продюссер, актёр, санъатшунослар иштирокида ўтказилган маҳорат дарслари, учрашувлар, семинарлар амалий натижаларга эришиш йўлида хизмат қилмоқда.

Талабаларимиз орасида илм-фанга қизиқувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шу ўринда талабаларимизнинг “Жаҳон адабиёти”, “Санъат”, “Театр”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” каби республиканинг нуфузли журнал ва газеталарида эълон қилинаётган турли жанрдаги, санъатимиз ва маданиятимизнинг бугунги кун муаммолари дадил ёритилаётган мақола ва тақризлари жамоатчилик эътиборини тортаётганини ҳам айтиб ўтишни истардим.

Институтнинг ижодий хусусиятига таянган ҳолда талабаларга дарсдан бўш вақтларида кино ва телевидение экранларида, радио тўлқинларида, театрлар сахналарида ўзларини синаб кўришларига имкониятлар яратилган. Бунинг икки ижобий жиҳати бор. Биринчидан, ёш иқтидорларимизнинг катта қисми талабалик йиллариданоқ Ўзбекистон санъати ва маданиятига ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшмоқда, иккинчидан биз таълимнинг бевосита амалиёт билан узвийлигига эришмоқдамиз. Шунингдек, санъат кўриклари, республика миқёсида ўтказилиб келинаётган “Наврўз” умумхалқ ҳамда Мустақиллик байрам тадбирларида иштирок этиб, халққа ўзининг илк қадами билан танилаётганини, фарзандларимизнинг бундай ютуқларга эришишида устозларнинг фидойилиги, заҳматли меҳнати ётганини алоҳида эътироф этишни истардим.

Санъаткорни тарбиялашда унда аввало нафосат туйғусини шакллантириш муҳим. Рус санъатшунос олими В.Г.Белинский айтганидек, “...нафосат туйғусисиз даҳо ҳам бўлмайди, талант ҳам бўлмайди, зеҳн ҳам бўлмайди”. Барча қулайликларга эга АРМ (Ахборот кутубхона маркази) фаол иш олиб бормоқда. У ерда нафақат чоп этилган адабиётлар, балки электрон шаклдаги дарслик, маъруза матнлари, ўқув қўлланмалари, илмий ва бадиий адабиётларнинг компьютер хотирасига жойлаштирилганлиги ҳам талабаларга яратилган имкониятлар сирасига киради.

Таълим бериш ва олиш учун яратилган компьютер технологиялари, бир сўз билан айтганда моддий –техник базанинг тобора замон талабларидан келиб чиққан ҳолда замонавийлашиб бориши, шунингдек талабаларнинг яшаш шароитларини борган сари яхшилашга қаратилган ҳаракатлар,

Асосий мақсадларимиздан яна бири ёшларимизнинг савиясини ҳар томонлама кўтаришдир. Санъат таълимининг эртанги босқичида шу масалага янада катта эътибор қаратиш лозим. Савия-шахснинг кимлигини белгиловчи

омил экан, таълим соҳаси кишилари бу борада ҳам масъул бўлмоғи шарт. Маълумки, дунёни англаш, ҳис этиш даражаси савия билан белгиланади. Замонанинг тезкорлиги, шиддат билан кириб келаётган ахборот оқимлари ичидан керагини, фойдали ва муҳимини ажрата билиш учун албатта юксак дид муҳим. Кечагина бизни ҳайратга солган мўъжизалар бугун бизни тўлқинлантирмай қўйди. Ҳатто, куни кеча кўнглимизга завқ бағишлаган адабиёт, санъат асарлари, маданият ютуқлари ҳозир ўта содда ва жўн бўлиб туюлмоқда. Бу - биринчи навбатда ижодкорларга, яъниким биз етиштириб чиқараётган санъатимиз ва маданиятимизнинг эртанги кун эгаларини жаҳон ва замонавий миллий андозаларимизга монанд қилиб тарбиялаш масъулиятини ҳар қадамда ҳис этиб туришга ундайди. Санъат ва маданият соҳалари сарҳад билмас кенгликдир. Бугун биз таълимда талабаларимизга шу ҳақиқатни сингдира олсак эртага санъат ва маданиятимиз дунё эътиборида ва эътирофида бўлиши мукаррар”³.

³ Б.Сайфуллаев Ўзбекистон санъати таълим: кеча, бугун,

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс №1. “Тунда очик”

Тавсвирий санъат оммабоплигини янада ошириш туфайли ушбу соҳадаги қўшимча қийматнинг капиталга айланиш жараёни Тейт Модерн галереяси учун муваффақиятли ўтди. Мазкур кампанияни 2002 йил март ва май ойларида Лондоннинг 8та галереясида иборат бирлашма ўтказди. Галереялар кампанияда ўзларига хос вазифаларни белгилаган бўлсалар ҳам, лекин барчалари қуйидаги мақсадларга ўз диққат эътиборини қаратдилар:

- тунги соатларнинг узайтирилганлиги хақида кўпроқ ташриф буюрувчиларни хабардор этиш;
- кечки соат 6 дан кейин ташриф буюрувчилар сонини ошириш;
- галереялар хақидаги “зерикарли ва жонга теккан жой” деган тассавурни ўзгартириб, галереялар - ижтимоий ҳаётнинг бир қисми сифатида каби концепцияни таклиф этиш;
- ташриф буюрувчилар завқ оладиган алоҳида бир тадбирлар, маърузалар, сафар, жонли ижро, ресторан, бар ва харидлар каби фаолиятлар доирасини ОАВда ёритиб бориш.

Баъзи бир галереялар, хусусан В&А галереяси тунги соатларгача икки йил мобайнида ишлаб келган ва 1500 -2000 га яқин тунги ташриф буюрувчиларни жалб этган. Бошқалари эса, масалан Миллий Портрет Галереяси хафтасига икки тун очик бўлиб, бир йил мобайнида ишлаган эди, унга 300-400га яқин одам кечкурун ташриф буюрган. Далвик Тасвир Галереяси ўз тажрибасида тунги ташрифларни ҳеч қачон қўлламаган ва бундай имкониятдан фойдаланиш истагини билдирди.

Кампания учун мақсадли гуруҳ этиб 25-34 ёшли санъатдан хабардор ёки мутахасис, Лондонда яшайдиган ёки ишлайдиганлар танлаб олинди. Ушбу сегментни жалб этиш учун “Санъатни севасанми?Ундан завқ ол...Кечроқ.” шиор ишлаб чиқилди. Ушбу шиор реклама бренди сифатида юракча шаклдаги ширинликларга бириктирилди. Ҳар бир галерея хақида маълумот, унинг жорий кўргазмалари ва кеч тунгача очиклигини ёритган 19000та рисола нашр этилди. 66000таси Лондон ва Вест Эндга дистрибьютер агентлиги томонидан тарқатилди. Қатнашувчи галереялар ҳар бири 8000тасини тарқатди, қолгани эса *Тиме Оут* журнаliga илова қилинди. Журнал ўқувчилари мақсадли аудиторияга ёши, ҳаёт тарзи каби кўрсаткичлари билан тўғри келди. Ушбу ҳаракатлар орқали 89%га ўсиш кузатилди.

Рисолада галереяларда очилган тунги барлар хақида тафсилотлар, хусусан Абсолют водка ҳомийлигидаги Лове Арт ароғидан коктейли бепул таклиф этилиши берилди. Абсолют бренди танланган ташриф буюрувчилар аудиториясига тўлиқ мос келади. Бундан ташқари *Тиме Оут* ҳар ҳафта тунги барларни реклама қилиб, газетхонларга махсус чегирмаларни таклиф этиб борди.

Кампания харажатлари қатнашчилар ўртасида тақсимланиб, 1400 фунт стерлингга тенг бўлди. Асосий харажатларни рисолаларни чоп этиш ва тарқатиш ташкил қилди. *Тиме Оут* газетаси ҳомийлигида 21000, Абсолют бренди томонидан эса 8000 фунт стерлингидаги харажатлар қопланди.

Хеюард Галереясида очилган биринчи тунги бар биринчи тундаёқ ўртача сондан анча кўп бўлган ташриф буюрувчилар -300тасини жалб этди. Миллий Портрет Галереясига эса 800га яқин мижоз келди. Хаттоки энг паст рейтингда бўлган Далвик Тасвир Галереясига 200та одам келди.

Кампания тугаганидан сўнг натижа кўплаб галереяларга шундай сақланиб қолди. Масалан Миллий Портрет Галереясига ташриф буюрувчиларнинг сони ўсиб борди ва ҳозирда тунги ташриф 1000 дан ортик бўлиб турибди. *Манбаа: Марлоу, 2001.*

Саволлар

1. Санъат муассасаларининг биргаликдаги ҳаракатида қандай афзалликлар ва камчиликлар бўлиши мумкин?
2. Галереялар реклама кампаниясини ўтказишда қандай маълумотларга эга бўлдилар? Ушбу маълумотлардан потенциал мижозлар билан узок муддатли муносабатларни ўрнатишда қандай фойдаланиш мумкин?
3. Сизнинг фикрингизча, ушбу кампания ташриф буюрувчиларни санъатга эмас балки бепул ичимликка жалб этишга айланиб қолиш хавфи қай даражада? Ушбу хавфни чеклаш учун нима қилиш мумкин?

Кейс №2. “Халл Трак” театри томошибанлари

Тадқиқотлар охириги 2 йил мобайнида Халл шахрининг театрга боровчи аҳолисидан фақатгина ярми Халл Трак театрида бўлганлигини кўрсатди. Бунга қараганда 10тадан 9таси шаҳар марказида жойлашган дастури турли туманлиги билан ажралиб турадиган Халл Нью Театрига бориши аниқланди. Йилда театрга уч ва ундан ортик марта борган ташриф буюрувчиларнинг сони чоракдан кўпроғини ташкил этди, уларнинг орасида ҳеч қайси Халл Трак театрида бўлмаган. Томошабинларнинг учдан бир қисми “юксак” санъат шаклларидаги замонавий драмаларни кўришни хуш кўришар экан ва улар орасида Халл Трак театрига борганлар аниқланмади.

Халл Тракнинг тахлил этилган жорий томошабинлари театр ташаббускорлари, доимий ва турли театрларга борувчилар деб топилди. Улар театрни асосан кечқурун боришга яхши жой деб, театрга бориш уйдан ташқарида овқатланишга бориш сафари сифатида қабул қилишар экан. Уларнинг ёши 25-44 ёшда.

Бунга қиёсан, янги потенциал томошабинлар (тетрга борувчи лекин Халл Тракка бормаганлар) ҳақиқатдан театрга қизиқувчилар бўлмаган. Улар янгиликни излайдиган ва тажриба сифатида қабул қиладиган инсонлар тоифасидан.

Ташриф буюришга таъсир этиши. Тадқиқот сўровномаси иштокчилари бўйича Халл Трак театрига бориш учун қандай омилларга боғлиқлиги аниқланди. Театрга борувчиларнинг ярми шаҳар марказидаги янги бино ўзига жалб этишини таъкидладилар. Танаффусда томошабинлар дам оладиган хона ёки зал, бар кафеларниг мавжудлиги ёшроқ томошабинларни жалб этиши мумкин. Жон Годбер Жон Годбер бадиий директорининг маҳсулоти кўпчиликка ёқиши эътироф этилди. Лекин кўрсатувларнинг янги шакллари таклиф этиш тавсия этилди.

Маркетинг натижалари. Халл Трак театри маркетинг коммуникациясидаги камчилик потенциал бозорни чуқурроқ ўрганилмаганлиги кузатилди. Театр томошабинлари театр дастурларидан театр томонидан юборилган хатлар, тез тез ташриф буюрувчилардан хабардор бўлиб туришар экан. Айримлари маҳаллий газеталарда берилган маълумотлар билан қизиқиб турар эканлар. Ёшлар эса асосан интернетдан.

Саволлар

1. Халл Трак театри ўз миссиясини оширишда қандай мақсад ва вазифаларни белгилашини таклиф қила оласиз.
2. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда қандай стратегияларни ишлаб чиқасиз. Ушбу стратегияларни тадбиқ этиш учун маркетинг тактикасини ишлаб чиқинг.
3. Ушбу режаларни ишлаб чиқишда маълумотлар рўйхатини тузинг. Агарда Сиз Театр маркетинг менежери бўлсангиз ушбу маълумотлар етарлича бўлармиди?

Манбаа: Wхитеҳеад, 2000. Репродусэд wитҳ кинд пермиссион.

Кейс №3. Опера ҳамкорлиги

Сидней Опера Хаус бутун дунёда машхур бўлган замонавий архитектура дизайнидаги бинолардан бирида жойлашган. Опера Хаус ташкилий ривожланиш инноватори сифатида унинг ижрочи директрори Майкл Линк тўрт йиллик бошқаруви остида шаклланди.

Линк Австралия Кенгашидаги театр менежментда миллий санъатни қўллаб қувватловчи инновацион шахс сифатида эътироф этилиб 1998 йилда Австралия тасвирий институтини бошқарувини олди. Унинг бошқарув фаолияти Опера Хаус учун икки муҳим тарихий воқеалар – Янги йил ва 2000 йил Сидней Олимпиадасига тўғри келди. Бундай ҳодисалар ташкилот учун иш жараёнининг янги ёндашувларини талаб этарди ва Линк Операни “Ўрганувчи ташкилот” га айлантиришга аҳд қилди. Ушбу атама америкалик менежмент намояндаси Питер Сенж (Петер Сенге) томонидан 1990 йилда “Бешинчи Фан” китобида ёритилган бўлиб, унга биноан ташкилот инсонлар каби тизимли равишда ривожланиши ва тажриба алмашишлари лозим. Албатта унинг афзаллиги бир бутунлигида, ўрганиб бориш эса ташкилот муҳим фаолиятларидан бири сифатида ташкилий қувватни оширишда катта кучдир. Бошқача қилиб таъкидланганда эса, “унинг аъзолари жамоавий хабардорлик ва унумдорликни кучайтириш ва қўллаб қувватлашга доимий диққат эътиборини қаратиб турадилар ” (Сенге *эт ал.*, 1994). Опера Хаусда муваффақиятга эришиш йўли барча ходимларни ушбу йўналишга қўйиш деб белгиланди. Линк буни қуйидагича изоҳлади: “Опера Хаусда ишлар қандай бажарилишига бутун штатни жалб этиш ёндашувини биз қабул қилдик. Натижа –бу иш жойи бўлиб, бу ерда ташкилот ривожини учун ҳар бир ходим ўз хиссасини қўшиш учун ваколат олган. Бу шахснинг ўсиши учун қўмақловчи иш жойи бўлиб, бунда инновациялар, маҳоратни кўрсатиш, “буни қила оламан” деган хатти ҳаракат тан олинади ва рағбатлантирилади”.

Ушбу жараёнинг бош ғояси турли соҳаларни қамраб олувчи лойиҳа гуруҳининг ташкил топиши бўлиб, унга тажрибаси ва функционал асоси ҳар хил бўлган ҳамкасабалар киритилди.

Уларнинг вазифаси муассасанинг 2000 йилга тайёр бўлиши, яъни компьютерга мувофиқлик ва товар ва хизматларга янги солиқлар билан танишиш. Шу билан бирга маданий ўзгаришларга бўлган зарурат масаласи муассасанинг турли бўлимлари ва поғоналари томонидан ўртага қўйилди. Концепция Командаси деб ном олган ушбу ишчи гуруҳ эътиборини муассасанинг ўзини ҳамда бу ердаги ҳар бир шахсни такомиллаштиришга қаратди.


Натижада, Сидней Опера Хаус бугунги кунда нафақат Австралияда, балки халқаро даражадаги етакчи институтдир. “Ўрганувчи ташкилот”ни ривожлантириш натижаси сифатида амалга ошган бир қатор тадбирларни кўриш мумкин: Реал (Релатионшип, Эмпowэрмент анд Леадершип), яъни Ўзаро муносабатлар ўрнатиш, Ваколат бериш ва Лидерлик қилиш – ички кадрларни ривожлантириш ириш дастури бўлиб, лидерлик ва билимларни бутун Хаус бўйича тарқатишга қаратилди. Тадбиркорликга тўлиқ мос келадиган


ишлаб чиқаришга асосланган мутахасисликларни таклиф этишга лойик Рўйхатдан ўтган Таълим Муассаси сифатида аккредитация қилинди (шу билан бирга Буюк Британиянинг Миллий Касб хунар Квалификация тизимига ҳам мос).

“Музыка, театр ва хореография, ҳамда кўнгил очар тадбирлар бизнес соҳасида Австралиянинг аборигенлари учун имкониятлар яратиш кейинги мақсадимиз”, деб Линк Янги Шарқий Уэлс штатида бўлиб ўтган Санъатни ўргатиш бўйича конференцияда гапириб ўтди. Опера Хаус хозирда аборигенларга ўқув дастурларни таклиф этмоқда ва мунтазам равишда Австралиянинг замонавий абориген санъаткорларнинг қобилиятларини кўрсатиб келмоқда. Ушбу конференцияда: “Бу бинода ўтирибмизки, бизлар улкан билим афзалликлари, катта интеллектуал капиталга эга бўлиб турибмиз. Уни капиталга айлантириш зарурати олдимизда турибди, бизлар одамларимиз ва тажрибаларимизни қўллашимиз учун бор имкониятларимизни ишга туширишимиз керак ва бутун Осиё кейинчалик дунёнинг бошқа жойларида ҳам ушбу имкониятларимизни кўрсатмоқчимиз.”

Саволлар

1. Сизга таниш санъат муассаси хақида ўйлаб кўринг. Уни “ўрганувчи ташкилот” га айлантиришда қандай қийинчиликлар мавжуд қандай уларни бартараф зата олади?





VI МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиха иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиха иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавзулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.).

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Мустақил таълим мавзулари

1. Ўзбек анъанавий санъат мактаблари
2. Устоз ва шогирдлик анъаналари
3. Антик давр. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари
4. Тасвирий санъатнинг илк тасаввурлар
5. Миллий театр тарихи
6. Машҳур актёрлар ижоди ҳақида
7. Европанинг санъати
8. Россиянинг санъати
9. Замонавий режиссура масалалари
10. Замонавий актёрлик санъати

- **Мустақил ишларнинг конкрет мавзулари** топшириқ берилиши жараёнида ҳал қилинади. Бу педагог билан ўзаро мулоқотда, талабанинг қизиқишларини ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.
- Шунингдек, жорий театр репертуардаги спектаклларни, бадиий филмларни оғзаки баъзан эса ёзма таҳлил қилишга эътибор қаратилади.

VII. ГЛОССАРИЙ

Инглиз тилидаги	Термин	Ўзбек тилидаги
Theatre	Teatr –	Teatr – (yun. soʻz boʻlib, tomoshagoh degan maʼnoni anglatadi). Sanʼat turi; uning oʻziga xos ifoda vositasi aktyorning omma oldidagi oʻyinjarayonida yuzaga keladigan sahnaviy voqeadir. Teatr sanʼatida ham boshqa sanʼatlarda boʻlganidek, xalq hayoti, tarixi, dunyoqarashi aks etib, jamiyat taraqqiyoti, maʼnaviyati, madaniyati bilan bogʻliq holda oʻzgarib, takomillashib boradi. Teatr asosida ogʻzaki yoki yozma dramaturgiya yotadi. Teatr sintetik sanʼat boʻlib, jamiyat hayotida, tomoshabinlarning maʼnaviy-estetik tarbiyasida muhim oʻrin tutadi. Unda dramaturgiya, musiqa, tasviriy sanʼat, raqs, memorlik ajralmas birlikni tashkil etadi. Teatr – sanʼatning muhim bir xili boʻlib, u qadimgi Gretsiyada tugʻildi.
Decoration	Teatr dekoratsiyasi sanʼati,	s s e n o g r a f i y a – tasviriy sanʼatningteatrsanʼati bilan bogʻliq sohasi; dekoratsiya, liboslar yorugʻlik, sahna texnikasi vositasida spektaklning tomosha obrazi (koʻrinishi)ni yaratish sanʼati.
Music	Teatr musiqasi –	1.keng maʼnoda - barcha musiqali (opera, balet, operetta, musiqali drama, musiqali komediya, vodevil, myuzikl va b.) hamda dramatik spektakllar uchun yozilgan musiqa. 2.tor maʼnoda – dramatik teatr spektakl (drama, komediya, tragediya)lari musiqasi
Analysis	Tahlil –	a. soʻz boʻlib, tarqalish, (kurtak) yozish; tekshirish, surishtirish; hal qilish, ochish degan maʼnolarni anglatadi). 1. Narsa,

		<p>hodisa va sh.k.larni mohiyat, qonuniyat va boshqa jihatlardan tekshirish, o'rganish ishi. 2. Biror narsa, ma'lumot va shu kabilarni ma'lum nuqtai nazardan o'rganish, baholash. 3. Biror narsaning tarkibini belgilash va uning mohiyatini tadqiq etish. 4. din. Dafn marosimi oldidan marhum tepasida davra olib, tilovat qilish.</p>
Theatre Science	Teatrshunoslik –	<p>teatr tarixi va nazariyasini o'rganuvchi fan. Mustaqil ilmiy yo'nalish sifatida teatr san'atining umumiy taraqqiyoti bilan bog'liq holda XX asrda shakllangan. Teatrshunoslik dastlab, asosan drama teatrlari faoliyati bilan bog'langan bo'lsa, keyinchalik opera va balet, operetta, musiqali drama, bolalar teatri, qo'g'irchoq teatri, teatr ta'limi, sahna nutqi, dekoratsiya san'ati, teatr libosi va pardozi, sahna harakati, havaskorlik teatri sohalari va yo'nalishlarini o'z ichiga oladi.</p>
Subject	Syujet	<p>– (fr. va lot. so'z bo'lib, predmet, mazmun, mohiyat, narsa degan ma'nolarni anglatadi). 1. Badiiy asarda, filmda voqea-hodisalar tasviri, bayonidagi izchillik va o'zaro aloqa; badiiy asar mazmuni. 2. Tasviriy san'atda: tasvir obyekt, predmeti. Syujet – badiiy asar mazmunini tashkil etadigan, bir-biri bilan o'zaro bog'liqlikda kechadigan, qahramonlar o'rtasidagi aloqalardan tarkib topgan voqealar tizimi.</p>
Glossary		
Acting technique	Aktyorlik san'at	➤ san'at yaratish sasna qiyofalarni(rollarni) teatrd

		tomoshalarning taqdimotchilari
Atmosphere	Atmosfera	hayajonli bo'yash har kimning harakatlari, sahnaning, epizoda, bog'liq bo'lgan tavsiya etilayotgan holatlar, voqealardangi tugun, nizoni, tempo-ritma, " donlar ", bog'liqligi harakati va faoliyat yurituvchi shaxslarda uni fe'l-atvorini, yordam beradi.
Proscenium	Avanssena— sahna	➤ oldi, dahliz bir bo'lak sahnaning, bir qancha namoyish etilgan tomosha zali. (Rampa). sifatida o'yin uchun belgilangan maydoncha sahna oldi keng foydalanildi oper va balet spektakl dramatik teatrlarda sahna oldi xizmat qiladi. Asosan joy harakatlari uchun katta bo'lmagan sahnalar oldidagi yopiq parda.
Allegory	Allegoriya— kinoya	➤ tasvir eng yaxshi g'oyalar yordami bilan obraz mazmun allegorii farqdan ko'p mazmunli ramziy bir ma'nodan va boshqa qiyofa ; aloqa orasidagi mazmuni izhor qilish
Type, theatrical character	Amplua— o'xshash	➤ fe'luga ko'ra rolini, tegishli ma'lum aktyora (aktrisalar) tomonidan bajariladigan rollarning tipi.
Glossary		
Atellana	Atellana-atellana	➤ (qadimgi rim xalq tomoshasi;odiiy xalq hayotini tasvirlovchi qisqa sahna asari)

Analysis	Analiz (razbor)	➤ – tahlil, analiz; tahlil qilish
Annotation	Annotatsiya- annotatsiya	➤ (qisqa qaydlar, kitobning qisqacha mazmuni)
Ballad	Ballada-	➤ (lirik-epik poeziyaning bir turi)
Ballet	Balet-balet	➤ (teatr san'ati turlaridan biri); raqsga asoslangan muzikali-dramatik sahna asari)
Properties	Butaforiya— sahnadagi	➤ yasama jihozlar qalbaki fanlar (haykaltaryoshlik, mebel, idish, bezaklar va boshqalar. Asar voqealarini ochishga yordam beruvchi narsalarni. ➤
Buffoon	Buffonada	➤ kulgili teatr tomoshasi qabul qilish, foydalanilayotgan teatrdan ; asosan tashqaridan qaraganda komik bo'rttirib yuborish, ba'zida tartibli harakatlarni, ko'rinishlari

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008. -176 б.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011. -440 б.
3. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. И.А.Каримов. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.
5. И.А.Каримов. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.

III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

Адабиётлар рўйхати:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Абдусаматов Ҳ, Драма назарияси.–Т.: F.Фулом нашриёти, 2000.

3. Ўзбекистон санъати – Т.: Шарк, 2001.
4. Истиқлол ва миллий театр. – Т.: Янги аср авлоди, 2002
5. Муҳаммад Ҳ. Сценарийнавислик маҳорати. Электрон вариант. – Т., ТДСИ, 2007.
6. Қодиров М. Анъанавий театр драматургияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
7. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.:Ўқитувчи, 2000.
8. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
9. Аристотле. Поэтисс. – Невбйпорт: Фосус публишинг, 2006

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.gov.uz
5. www.dsmi.uz
6. www.dsmimarkaz.uz
7. www.natlib.uz